



- * Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти
- * Ўзбек йигити «сехри диёр» талабаси
- * Кишлоқ кутубхонасини излаб
- * Телевизор кўрадиган қоплон



ЎЗБЕКИСТОН

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 13 февраль Шаба.
№ 12 (144203)

“КАМОЛОТ” ЖАМГАРМАСИ БОШҚАРУВИДА

Куни кечада “Камолот” жамгармаси бошқарувининг мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг “Туркестон” газетаси мухбирининг саволлари га берган жавобларидан келиб чиқадиган жамгарманинг истиқболдаги вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлиси бошқарув раиси Х.Абдураимов олиб борди.

Шунингдек, мажлис иштирокчилари жамгарманинг 1998 йилдаги дастурий вазифалари ва бюджетининг бажарилиши юзасидан ҳисботини тинглаб, муҳокама этди. 1999 йил ревалари ҳамда бюджети ҳақида қарорлар қабул қилинди.

“Камолот” жамгармасида “Туркестон” газетасида эълон қилинган “Оила -- муқаддас даргоҳ” мақолалар танлови голибларини мукофотлаш маросими бўлди. Мукофотларни бошқарув раиси Х.Абдураимов топшириди.

МУСТАҚИЛЛИК ЛУГАТИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернида «Мустақиллик» деб номланган изоҳли илмий-оммабол лугат нашр этилди. Республика ёшларининг «Камолот» жамгармасида ушбу янги лугатнинг тақдимот маросими бўлди. Унда мамлакатимизнинг жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли олимлар, мухбирлар иштирок этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳаётимизда кўп янги тушунча ва иборалар пайдо бўлди, деди тақдимотни очар экан, «Камолот» жамгармаси бошқаруви раиси Х.Абдураимов. -- Бу лугат етти йил мобайнида жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришлар туфайли юзага келди.

Янги лугатнинг чоп этилиши жуда муҳим ва долзарб воқеа, дейилди тақдимот маросимида. Бу китоб мамлакатимизда ислочотларни амалга ошириш жараённада иштирок эттаётган барча кишилар учун қимматли ёрдам кўрсатади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

«УМИД»: ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Пойтахтимиздаги Республика Банк Молия академияси биносида иктидорли ёшларнинг чет залларда ўқицларини кўллаб-куватлаш «Умид» жамгармаси грантлари учун бўлиб ўтаётган танловнинг тўртингич босқичи якунланди. Бу босқичда Ўзбекистоннинг таниқли олимлари, шоир ва ёзувчилари, санъаткорлари талабгорларнинг маънавияти ва маърифати қанчалик мустаҳкам эканини имтиҳон қилишди. Агар танловнинг дастлабки босқичида икки мингта яқин талабгорлар ўз кучини синаб кўрган бўлса, кейинги босқичларга уларнинг 365 нафари йўлланма олди.

— Бу йилги танлов ҳам ўтган йиллардаги каби қизгин ўтаяпти, — деди биз билан сұхбатда «Умид» жамгармаси ижрочи директори Манион Раҳимов. — Талабгорларнинг сони ҳам кўп, танловга бўлган қизиқиш ҳам тобора ўсиб бораётти. Ёшларнинг илм олишга бундай рагбат туйгани албатта хайрлй. Кези келганда, бир гапни айтиб ўтсан: «Умид» жамгармасининг иши фақат танлов ўтказиш ёки ёшларни четга жўнатишдангина иборат эмас. Биз ўқитаётган болаларимизнинг келажаги, уларнинг хорижий таълим даргоҳларида фанларни қандай ўзлаштираётгани, юриш-туриши, ҳаёти ҳақида ҳам қайтарумиз. Бу ишда бизга мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлардаги

элчиҳоналари яқиндан кўмак беради. Шунингдек, Ўзбекистонга қайтиб келганидан кейин уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳам диккат марказимизда. Президентимиз Фармони билан хорижда илм олиб, тажриба ошириб келаётган ёшлар истиқболи ҳақида қайтуриш, уларни жой-жойига кўйин билан шугулланувчи маҳсус ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Жамгармамиз «Умид» йўналиши бўйича чет мамлакатларда ўқиб келаётганларнинг салоҳиятини атрофлича ўрганиб, ана шу маҳсус гуруҳга тегишили тавсия ва таклифлар беради. Мақсад — ёшлар истеъоди ва салоҳиятига яраща ўз ўринларини топсин.

Шундай қилиб, танловнинг асосий босқичлари якунланди ҳисоб. Келгуси ҳафта талабгорларнинг умумий йиққан баллари эълон қилинади. Ундан кейин эса керакли бални тўплашга муваффақ бўлганлар танланган мамлакатлар бўйича хорижий тиллардан сұхбат ҳамда расмий тест синовларидан ўтишади. Хорижий мутахассислар оладиган ушбу синовлардан ҳам муваффақиятли ўтган ёшлар «Умид» йўналиши бўйича Президент грантларини кўлга киритади.

Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерал мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строевнинг учрашуни бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўтасида кенг миқёсли ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакатнинг

парламентларо алоқаларини ривожлантириши каби ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан келишиб олинди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясида “Миллий гоя ва демократик жамиятни ривожлантириши муаммолари” мансусида ўтказилган илмий-амалий конференцида Президент Ислом Каримовнинг “Туркестон” газетаси мухбири саволларига

берган жавобларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчиҳонасида “Бугунги Ўзбекистон ва унинг сайджлик салоҳияти” манзуида конференция бўлди. Уни “Ўзбектуркизм” Миллий Компанияси ва Америка-Оснё-Тинч оқсанни минақаси сайджлик ассоциацияси (ПАТА) ташкил этди.

Президент
сабоқлари

Президент Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мухбирининг саволларига жавобларида ўтмиш, бугун ва келажак билан боғлиқ, долзарб масалалар ҳамда муммоловар кўтарилиган.

Бу ўринда Президент асосий эътиборни "Бугун" тушунчаси замирда хозирги авладга, аниқроғи ёшларга қаратганлар. "Менинг энг кат-

сұхбатда, бу тарбиявий вазифанинг аниқ-равшан йўналишлари баён қилиб берилган. Булар -- тарих, тарихий хотира, мустақиллик мағкураси, миллий гоя, миллий фурур, маънавият, демократик тамойиллар, миллий қадриятлар, тарихий ва маданий мерос, фикрлар эркинлиги...

Бинобарин, ёшлар маънавияти биносининг пойдеворига ушбу "ғиштлар" дан ишлов бермасак, ёки лоқайдлик, бепарвонлик қилиб, бирор "ғишт"ни салгина нотўғри кўйиб юборсан, таълим соҳасидаги ишларимиздан ҳеч қандай самара бўлмайди.

Аҳамият берган бўлсангиз, шўролар даврида педагогика соҳасида "таълим-тарбия" деб, биринчи ўринда таълим кўйиларди, тарбияга эса иккинчи дара-

транспорт воситаларидан фойдаланиш ва ўйл қурилиши фольклорларида ёшлар ўртасида мазкур мутахассисликка қизиқиш ўсиб бораётгани кузатилмоқда.

Президентимиз саъ-ҳаракатлари билан мустақиллик даврининг ўтган йиллари ичидаги ташкил топган миллий автомобил созлиқ саноати ва ташкил дунёга чиқиши масаласида улкан коммуникация тадбирлари амалга оширилганлиги ва бу ишларни дадил давом эттирилаётганлиги ёшларда ана шу соҳаларга катта умид туғдирмоқда. Ҳолбуки, Ўзбекистон транспорт мажмусини автомобиль транспортизис тасаввур этиш қийин. Қолаверса, ҳалқ ҳўжалиги юкларининг 80 фоизи автомобилларда ташибади.

Институтимиздаги бир гурӯҳ

МАҲАЛЛА ~ ТАРБИЯ УЧОГИ

Инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон -- бу маҳалладир. Президентимизнинг "Туркестон" газетаси мухбирининг саволларига жавобларида бу тўғрида батафсил тўхталиб ўтганлар.

Дарҳақиқат, маҳалла инсоннинг энг эзгу фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ёшларни маҳалла атрофига янада жипсроқ жалб этсак, айни мудда бўлур эди. Бунда маҳалла кўмитаси раисларининг аҳамияти каттадир. Ёшлар ва айниқса ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалла аҳли, ички ишлар ходимлари, ҳуқуқшунослар биргалиқда фаолият олиб боришлилар керак, деб ўйлайман.

Эндилиқда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун умуминсоний қадриятларни ўрганиб, ўз заминимизга тадбиқ этишимиз лозим. Ва шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳәётӣ тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур. Йўлбошчимиз айтганлари-

дек, ана шу улуғвор вазифаларни ҳал этиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага эса кенг жамоатчилик, маҳалла-кўйни жалб этиш керак.

Ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичидаги, кўни-қўшниларнинг яхши ёмон кунларида шаклланади. Ёшлар ўз-ўзидан катталарнинг муомаласи, юриштуриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат кила бошлайди.

Камина истиқомат қила-диган Чилонзор туманидаги Мевазор маҳалласида ёшлар учун кутубхона ташкил этиш ниятидамиз. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш, мазкур кутубхонани ўзига хос маънавият масакнига айлантиришдир.

Бундай кутубхоналар бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этилса, айни мудда бўлур эди. Бунинг учун маблағлар ҳам деярли талаб қилинмайди. Ахир ҳар бир хонадон иккича донадан китоб берса, кутубхона жуда бойиб кетади-ку. Китоб эса ёшларни фақат эзгуликка бошлайди.

Фуломжон ҲАҚИМОВ

ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

"Туркестон" газетасида босилган "Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурмоқдамиз" сарлавҳали мулоқотда ҳам ёшлар маънавияти. Улар тарбиясига доир кўпгина қимматли фикрлар бўлса, Юргбошимиз жавобларида қайд этилди.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида қонунбузарлик ҳолларини кескин камайтириш маънавий тарбия даражасининг бир кўрсаткичи бўлгани боис, биз унга алоҳида эътибор қарматоқдамиз. Жамғармамиз вилоят ички ишлар бошқармаси, суд, прокуратура, адлия идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда "Тарбия-99" дастурини ишлаб чиқишини ниҳоясига етказмоқда. Мазкур дастурнинг амалга оширилиши "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-тандовлари-

ни ўтказиш, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолларига барҳам беришга кўмақлашишига ишонамиз.

Юргбошимиз миллий гоя миллиатни, ҳалқни бирлаштиришга қаратилиши лозимлигини кўрсатиб, миллий фурур тарбияси, ягона ҳалқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш доимий иш бўлиб қолиши керак, деб айтдилар. Бу кўрсатма жамғармамиз фаолларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган фаолияти учун муҳим дастурламал бўлади.

Максуд ШУКУРОВ,
"Камолот" жамғармаси
Бухоро вилоят бўлими
раисининг ўринбосари

С. ҚОДИРОВ,
Автомобиль йўллари
институти ректори

МАЗМУНИ БАҲС

Тошкент Архитектура — курилиш институтида Президент Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мухбири саволларига жавоблари талабалар ўртасида қизғин мунозаралар билан ўқиб ўрганилмоқда.

Сўзга чиқкан талабалар Президентимиз сиёсати, ёшларга билдираётган катта ишончи, уларнинг билим

олишлари учун яхши шароитлар яратилаётганини қувонч билан гапирдилар. Шунингдек, талабалардан А. Аҳадов, А. Далилов, Д. Турсунов, Ж. Тўлиев, Д. Турабаева, Н. Мирзаевалар институттада олиб бораётган маънавият ва маърифат ишлари, яхши жиҳозланган компьютер хонаси, ётоқхонадаги шарт-шароит хусусида тўхтадилар.

Йиғилишнинг якунидаги институт профессор-ўқитувчилари билим ҳамда тажрибалини хормай-толмай янги ўкув режалари асосида замонага мос, юксак маданиятли, маънавий етук мутахассисларни етишдиришдек мүқаддас ицда янада гайрат билан меҳнат қилишларини мамнуният билан таъкидлайдилар.

Мулокотга гурӯҳ мураббийси М. Миросупова бошчилик қилди.

У. ЙУЛДОШЕВ

МУҲОКАМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мухбири саволларига жавоблари ўртимида кенг муҳокама этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий ўюшмаси Бадий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам ана шу сұхбатта алоҳида тўхтадилди. Унда уюшма раиси Исфандиёр Латипов миллий мағкурамиз аҳамияти ҳақида батафсил сўз юртди. Шундан сўнг ижодий уюшма ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокамада Наврўз -- умумалқ байрамига тайёргарлик кўриш бўйича таклифлар киритилиб, уюшманинг жорий йилги иш режаси тасдиқланди.

НОЗИМА



Тошкент шаҳридаги 326-халқ амалий санъати лицейида.

Сураткаш: Д. АХМАД

“СЕҲРЛИ ДИЁР” ТАЛАБАСИ

Яқинда Америкада сафарда бўлганимда, у ерда ўз билим ва маҳоратларини ошираётган ватандошларимиз билан учрашдим. Улар орасида ўзини Одилбек Мадаминов деб таништирган, кўзлари чақнаб турган, норгул хоразмлик йигит эътиборимни торти.

-- Одилбек, аввало ўзингизни танишилсангиз.

-- 1977 йил Урганч шаҳрида дунёга келдим. Ўрта мактабни битириб, Тошкент Даълат Иктисодист Университетига (ТДИУ) ўқишига кирдим. Кейинчалик Президентимиз ташабусси билан тасъис этилган “Умид” жамғармаси совриндори бўлдим. Ҳозир Вашингтондаги Жорж Вашингтон номидаги Университет талабасиман.

-- Америкада ўқиш ҳақида олдин ўйланганимиз?

-- Очиги мактабда ўқиб юрган кезларимда, Америка мен учун гўё бошқа сайдардек, етиб бўлмас “сеҳрли бир диёр” бўлиб тулояларди, назаримда уни факат телевизор орқали кўриш мумкин эди. Мустақилигимиз шарофати билан юртимиз ёшлиларига кенг йўл очилди. 90-йиллар ўрталарида Ўзбекистон телевидениесида АҚШда ўқишига отланган бир қанча ёшлиларимизни кўрсатишди. Ўшанда илк бор қалбимда чет элга бориб ўқишиштирилганини таҳдидим. Бу орзум устидан айрим ўртоқларимнинг кулгари пайтлари ҳам бўлди. Аммо, ниятини амалга ошириш учун астойдил бел боғладим. Инглиз тилини сидқидилдан ўргандим. Ота-онам бор шароитни яратиб беришибди.

-- АҚШ ҳаётига мослашиш, янги муҳитга кўникни жараённи қандай кечди?

-- АҚШда турмуш тарзимда катта ўзгарни рўй берди, кунданлик ҳаётимининг қандайдир кирралари вужудга келди, унинг устига мусоифчилик... Америкаликларинг ҳаёт маромига кўнишиб, ишларимни жадаллаштиришга киришдим. Чукур билим олишдан ташқари, янги дўстлар ортиридим. Америка тарихини, маданиятини, урф-одатларини ўргана бошладим. Бўш вақтимда музей, театрлар-

га бораман, спорт билан мунтазам шуғулланаман. Бу ерда ҳамма нарса инсон меҳнатини ва вақтини тежашга қаратилган. Банк тизими мукаммаллаштирилган, почта-телеграф, коммунал хўжалик, кредит ва бошқа тизимлар ишлари жуда пухта ўйланган. Мисол учун мен стипендияни чекда оламан, маблағларни кундаклини кредит хисоб рақамига ўтказиб, ҳамма чиқимларимни фақат кредит карточкиаси орқали амалга ошираман. Ҳозир АҚШ монитор сиёсати ва пул айланмаси масалаларини ўрганиман.

-- Ватанда олган билимларигиз буда аскотдими? Шу оз фурсат оралигида пималарга эрпицдиниз?

-- Дастрлаб тўрт нафар юртдошларим билан Алабама штатидаги Аубурн Университетида таҳсил олдим. Ўқишига бўлган иштиёқ, Ватан олдидаги масъудият, ҳар куни ўзим устидам кўпроқ ишлашга давват этди. Кўпчилик семинарларда мавзузга қилдим, изланишлар олиб бордим. имтиҳонларга жиддий тайёрландим. Натижада Университет аточилари сафидан жой олдим ва “PHI ETA SIGMA” АҚШ Академик Жамият совринини кўлга киритдим. Шундан сўнг АҚШдаги энг обрўли, машҳур Жорж Вашингтон номидаги Университетда ўқишимни давват этириш учун Вашингтон шаҳрига ўтказиши, бу менинг интилисинга берилган жуда катта баҳо деб биламан. Университетимиз Вашингтон марказида бўлиб, АҚШ Президенти қароргоҳи -- Оқ уйдан иккни мавзе берида жойлашган. Бу эса мамлакатда рўй берётган янгиликлар уммонида бўлишимиз имконини беради. Ёнимизда Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Жамғармаси ва

АҚШ Даълат Департаменти жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, Университетимизда доимо қизиқарли учрашувлар ўтказилиб туради.

-- Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимотида иштирок этган экансиз, шу ҳақда таҳрири берсангиз?

-- АҚШдаги Ўзбекистон элчихонаси ва Евросиё тадқиқотлар институтининг ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирга элчихонадан бизларни ҳам тақлиф этиши. Тақдимот давомида Ўзбекистонда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга АҚШнинг кўзга кўрининг олимлари, жумладан, сиёсатшунос профессорлар Ч. Эллит, Ф. Стар, П. Хенде ва бошқалар ижобий баҳо беришибди. Университет кутубхоналарида ватанимизга оид асарларга қизиқиш жуда баланд. У ерда Ўзбекистон тўғрисида қатор тарихий, маданий, сиёсий ва иқтисодий китобларни топса бўлади.

-- Одилбек, “Туркистон” газетаси ўкувчиларига, ватандошларингизга қандай тилякларигиз бор?

-- Аввалинбор юртимиз Президентига биз ўшларга кўрсатётган оталарча гамхўрликлари учун, чин юракдан миннатдорчиллик билдираман. “Умид” жамғармаси бўлмаганда, мен ва менга ўшҳаган минглаб ўшларнинг чет элларда ўқиши ушалмас орзу бўлиб қолавсарди.

“Туркистон” газетаси ўкувчиларига тенгкоруларимга эса билим даргоҳларидаги қунт билан ўқишини, маданиятизини, тарихимизни чукур ўзлаштиришини, чет тиляларини мукаммал ўрганиб, келажакда Ватанимиз учун фидокор инсон бўлиб этишишларини тилайман.

Мавлонжон Йўлдошев,
Вашингтон, “Туркистон”
жамоатчи мухбири

«САЖДАГОҲ»

ВИЛОЯТ ЁШЛАРИ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНГАН “ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИ ИЛОВАЛАРИ ТАНЛОВИ

Республика Президентининг “Туркистон” газетаси мухбири саволлари жавобларида кўтарилилган долзарб йўл-йўриқ ва кўрсатмалар ёшлар томонидан қандай амалга оширилаётгани, вилоятларда яшаб, илм олаётган, меҳнат қилаётган йигит ва қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида сўнгги вақтда рўй бераётган ўзгаришлар, ўз келажагини ўзи куриш йўлида улар дуч келаётган муаммо ва камчиликларни мунтазам ёритиб бориш “мақсадида вилоят ёш ижодкорлари томонидан “Саждагоҳ” номи билан тайёрланадиган “Туркистон” газетаси иловалари танловини ўтказишга қарор қилди.

Ҳар бир вилоят ижодкорлари “Камолот” жамғармаси бўлимлари мугасаддилигида юқорида билдирилган мавзуларга бағишиланган жами бир босма табоқ ҳажмда (15 тадан кам бўлмаган мақола, сұхбат, танқидий-таҳдилӣ мақола, шунингдек, кичик бадий асарлар намуналари, 6-7 та суратдан иборат) илова материалларини тайёрлаб, “Туркистон” таҳририятига йўллашлари мумкин. Энг яхши иловалар сараланиб “Туркистон”да чоп этиб борилади.

Вилоятларга бағишиланган илованинг ilk сони март ойининг дастлабки кунларида босилади.

Танловга 2000 йил январь ойида якун ясалади.

Энг яхши илова муаллифлари “Туркистон” таҳририяти ва ҳомийларнинг қўмматбахо мукофотлари билан тақдирланади.

Истеъоддли ижодкор ёшларни “Камолот” жамғармаси вилоят бўлимлари қошида тузилаётган “Туркистон” иловасини тайёрлайдиган мувакқат таҳририятиларга аъзо бўлишларини таклиф этамиз.

“ТАФАККУР” ФОЛИБ БЎЛДИ

“Камолот” жамғармасининг Фарғона вилояти Тошлоқ тумани бўлими “Мехрим тимсоли -- Ўзбекистон” мавзусида кўрик-танлов ўтказди.

Тадбирда ҳар иккала жамоа аъзолари турли саҳна кўринишлари орқали ўзларининг фикр доиралари нечогли эканлигини кўрсата олди. Айниқса, 9-мактабнинг “Тафаккур” жамоаси йигит-қизлар илмга чанқоқларни, зукко ва билимдонликларини намояши этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишиди. Уларнинг Ватанга мұхаббат, тарихий мөрсомиз, миллий қадрияларимизни улуғлаш бобида чинакам билим ва эътиқодга эгаликлари соглом фикр ҳамда гўзал шеърларида акс этди.

Рўзи БОЙ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилиги “Ўзбектеатр” ижодий - ишлаб чиқариш бирлашмаси, театр ижодкорлари ўюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчilar ўюшмаси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” Республика ёшлар жамғармаси ҳамкорлигига “Аёллар йили”га бағишилаб ўтказиладиган “энг яхши саҳна асарлари” ва “энг яхши аёллар образлари” учун Республика танловининг Низоми

Танловнинг мақсади:





Танловга тавсия этилган саҳна асарларида аёлларимизнинг жамиятдаги, оила ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни, захматкаш ва меҳрибон она, садоқатли ёр, оқила ва назокатли опа-сингил сифатидаги фазилатлари ҳамда уларнинг мамлакатимизда олиб бораётган улкан бунёдкорлик ишларига қўшаётган салмоқли ҳиссалари ўзининг бадий аксини топади.

Танлов шартлари:

Танловга тақдим этиладиган саҳна асарлари бир ёки бир неча муаллиф ҳамкорлигига яратилиши мумкин. Танловда иштирок этадиган асарлар машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 50-60 саҳифадан ошмаслиги ва шу йилнинг 1 майига “Ўзбектеатр” бирлашмасига тақдим этилиши лозим.

Корақалпогистон Республикаси, вилоятлардан тавсия этилган спектаклларнинг видеокассеталари, Тошкент театрларида саҳналаштирилган спектакллар эса бевосита ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва голиблар Конституция куни арафасида ўзлон килинади.

Танлов голиблари пул мукофотлари ва эсадалик совғалари билан тақдирланадилар. Пъесалар ва видеокассеталар кўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ҳамза кӯчаси, 49-йи. “Ўзбектеатр” ИИЧБ. Тел: 136-38-34, 132-08-39, 133-43-84



«Туркистон» газетаси қошидаги «Чындык үйлесімдер» тағырағияттың сақиғаси

Азиз ўқувчи! Бугун сенинг ҳукминнеге қишлоқ ҳаёти мұаммоларини күп бўлмаса-да, бир оз ёритишга ҳаракат қильмоқчимиз. Шу боис, ҳамортларимизга шу саволни бердик:

-- Қишлоқда яшайдиганларнинг бугунги кундаги аҳволи қай тарзда ўтаяпти?

Д. Акбаров: ҳайдовчи, 40 ёшда, Самарқанд вилояти, Пастдаром тумани, Қайрагоч қишлоғи:

-- Биласизми, шарт-шароитлар бўлса, қишлоқда яшаган маъкул. Лекин биздан шаронтнинг ўзи йўқ. Шундай бўлсада яшапмиз. Узоққа бормайликда, ўзим яшайдиган қишлоқ ҳақида тағириб берай.

Ёнгир ёқсан пайти кўчаларда юриб бўлмайди. Этик кийиб чиқсангиз, этик лойга ботиб қолиб, уйга этиксиз кириб борасиз. Газни-ку гапирмасам ҳам бўлади. Қанча югурдик, натижада бўлмагач, бу ҳақда ўйламай ҳам кўйдик. Аёлларимиз тургукхонани ҳам эсдан чиқариши. “Тез ёрдам” машинаси “неча сўқмоқлардан” етиб кел-

ШАҲАРДАН ОРКАДА ЭКАНМИЗ

гунча, аёллар уйларидаги фарзанд кўриб бўлади.

Халигача қишлоқдошларим телефон аппарати борлигидан бехабар. Бир отахонимиз иккичи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Қишлоқка ҳеч бўлмаса битта телефон ўрнатиб беринглар, деб бормаган жойлари қолмади. Бу иш энди амалга ошай деб турганда, у тўсатдан дунёдан кўз юмди. Иш эса аввалги ҳолича қолди.

Кранларимиз уч кун ишласа, бир ой бузилиб, сув чиқмайди. Яхшиямки қудук бор.

С. Эргашев, ишчи, 35 ёшда, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Сарой қишлоғи:

-- Қишлоғимиз жуда “замонавий”. Ишонасизми, ҳар куни бир вақтда чирофимиз учади. Ёқинглар деб, арз қилсан: “Аввал пулини тўлланглар”, дейишади. Маошимизни вақтида беришмаса, қандай қилиб тўлаймиз? Ҳўжалиқда ишлаётганимга 5 йилдан ошган бўлсада, умуман пул олганим йўқ. Нукул майка, кўйлак бериб иш ҳаққимизни “расчўт” қилишади. Чироқнинг ўчишига шу даражада кўнишиб қолгандик-ки, бирон кун “адашиб ўчмай” қолса ҳайратланамиз. Янги йилни ҳам қоронгуда кутиб олдик.

Яна бир муаммоломиз ҳаммом масаласи. Ҳайрон бўлманг, ҳаммоми йўқ экан деб. Қишлоқда ҳаммом бор, чироили қилиб курилган. У ҳар ойда “ўз қасбини ўзгартиради”. Бир қарасангиз, гилам цехига, бир қарасангиз гўшт дўконига, яна бир қарасангиз пойафзал тикадиган устахонага, хуласа ҳаммомхонага айланга олмайти.

-- И. Исомиддинов, талаба, 23 ёшда. Сурхондарё вилояти, Денов тумани:

-- Бизнинг 41-ўрта мактабда жами 500 нафар ўқувчи таҳсил олади. Шулардан 40 таси битирүчилар бўлса, улардан нари бора 4-5 таси талабаликка қабул қилинади. Колган 35 таси ўз тилимиз билан айтганда “бекори”. Бунинг асосий сабаби, қишлоқ мактабида ўқитувчиларнинг етишмаслигидир. Эркак ўқитувчи умуман йўқ десам, муболага бўлмайди.

Армон, афсус билан ўз қишлоғининг муаммоларини гапираётган инсонларни кўриб, юрагим эзилди. Дарҳиқиқат, уларнинг гапларида жон бор.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ҳаётининг баъзи камчилик ва муаммоларни бироз бўлсада кўтаришига ҳаракат қилдик. Бу муаммолар эртага ўз ечинини топади, деб умид қиласан.

З. АШУРОВА сұхбатлашы

“БЎЛМАС”ДА ГАЗ БЎЛАРМИКИН?

Хурматли «Туркистон!»

Мен сенинг бугун бир жамоа хўжалигида яшайдиган инсонларнинг дардларидан воқиф бўлишингни хоҳладим ва кўйидаги танқидий фикрларимни йўлламоқдаман. Балки бу кимларнинг дилига озор берар, кимларнинг дили жойлашиб олган иссиққина ўрнидан қўзғалишга мажбур этар.

Қашқадарё вилояти, Косон туманига қарашли “Темирхўжа” жамоа хўжалигига қарашли “Бўлмас” қишлоғидаги аҳвол бугунги кун талабига жавоб бермайди. Қишлоқларда яшайдиган аҳоли битта жўмрагидан сувуқ, бошқасидан иссиқ, сув келадиган кранларни орзу ҳам қўлмай кўйган. Фалон пулга сотиб олиб, ҳовузларга солиб, сақлаб ичадиган сувига кўнишиб қолган.

Самар ЗИЕ

Сахифа муаллифи: Хуршид, Зиёда, Фоғир

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ, ...

Халқимизда бир йигитга қирқ ҳунар озлик қиласи, деган нақл бор. Мен болалигимданоқ шу ҳикматли сўзининг магзини чақишига ва унга амала ҳам етишишига ҳаракат қиласиди. Шундай қилиб учинчи синфда ўқиб юрган кезларимда ил борадорлик касбига меҳрим тушди. Сўнгра уни пухта эгаллашим лозимлигини анелаб, бир устага шогирд тушдим. Бу орада мактабдаги ўқишини кечки бўлимга ўтказдим. Ҳозир кечки мактабнинг 11-синфида таҳсил олалтман. Худога

шукр дурадорлик соҳасида ҳам тажриба тўпладим. Мижозларим кўп. Улар ҳар доим мени қидириб келганида, одамларнинг корига яраётганини билаб, ўзимда йўқ курсанд бўламан. Ҳаракатларим зое кетмаганидан шодланаман. Орзуга айб ўқиб деганларидай, мени айни пайтларда кино актёр бўлиш иштиёқи қийнамоқда. Ойнашча жонда намоиш этилаётган ўзбек фильмларини, уларда роль ижро этиётган актёрларни кўрганимда вуқсумидма эҳтирос кучаяди. Орзугимга етиши учун қаерга, кимга

мурожаат этишим кераклигини ўйлайман. Қани энди бу борада ҳам мени шогирдликка оловчи бир кино актёр бўлса дейман. Яхши-яхши роллар ижро этиб, ҳалқ меҳрини қозонсан, ўзимни баҳтиёр деб ҳисоблардим.

**Жаҳонгирихон
ЖАҲОНГИРОВ,
Кибрай тумани,
“Маданият” жамоа
хўжалиги, “Ёнарик”
маҳалласи**



ЕЧИМСИЗ МУАММОЛАР

Мен Денов туманидаги Ш.Худойназаров жамоа хўжалигидаги истиқомат қиласан. Қишлоқда яшаши қандайлигини кўпчилек яхши билади. Четдан қарасангиз ҳамма нарса жойида. Лекин магазинларда озиқ-овқатлар сотувчилар истаган нархида сотилади. Қимматлилигидан арз қилиши ўрнига, ҳамқишлоқлар топилганингига шукр қилишади. Қишлоғимизга борсам юрагим жуда-жуда эзилади. Айниқса таълим тизими йўлга қўйилмаган. Мактабда ўқитиш ишлари номигигана. Бу мактаблардан олий ўқув юртларига ўқишига кирадиганлар юзтанинг ичиди ўйлига битта ёки иккита топилади. Ўқув юртлари учун яхши кадрлар тайёрлаб бериш мактаб зинмасида-ку. Чунки қишлоқ мактабларининг ўқитши дастури талаб доирасида эмас. Қишлоқ одамлари билан сұхбат қурсангиз кўркаб-кўркаб камчиликларни айтшиади. Тўғри ўз тугилган жойини танқид қилини тузлигига туттиришадай гап. Аммо, қачончагча андиша қилиб ярамизни яширамиз. Биз ўзимиз учун эмас, келажакимиз учун ҳам қайтуришимиз зарурлигини йўлбошчимиз қайта-қайта таъкидлаятишарк.

**МЕХРИХОН,
Тошду талабаси**

«СУВ ТЕКИН»ДАНМИЗ

Қишлоғимиз ҳақида гапирадиган бўлсан, аҳоли сони 15 мингдан зиёдроқ қишини ташкил этади. Хаттоки, Амир Темурнинг онаси Тегина бегим Мөх подшо таъқибидан қочиб Занжирсарайга кетаётганида шу ерлардан ўтган ва шу ерда кўзи ёриган, деган ривоятлар мавжуд. Ҳозирга келиб қишлоғимизда 2 та жамоа ширкат хўжалиги бор. Қишлоғимизда битта боғча, уча мактаб, мавжуд бўлиб, улар замонавий талабларга жавоб бермайди. 2 та мактаб қошида куриёттан янги бинолар гафлат ўйкисида ётибди. Қишлоғимизнинг ярми газлаштирилган, қолган қисмидаги яшайдиган аҳоли уларга ҳавас билан газбалон сотиб олиб ишлатмоқдалар. Сув масаласига келсан, сув жуда танқис, аҳоли сувни “ёқимтой”, ўз сўзида турдиган” амакилардан “сувни текин” га сотиб олмоқда. Аммо бу сувларни тозалигига ҳеч ким кифолат бермайди. Энди йўллар ҳақида гапирадиган бўлсан, болалар қишида резина этик кийиб лой кечиб борсалар, ёзда тупроқ кечиб мактабга шошидилар. Аммо шу қийинчилкларга яраша мактабдан бирон нарса олиб қайтармийнлар?

**Наврӯз ЭРГАШ,
Касби тумани,
Майманоқ қишлоғи**

МЕНИНГ ҚИШЛОФИМ

— Бизнинг қишлоқ “энг замонавий” қишлоқлардан бири, — дейди мен билан сұхбатда Олотнинг “Кўк кўз” қишлоғига яшовчи Исмигул Маъруф қизи. Қишлоғимиз туманда биринчилардан бўлиб 1995 йили газлаштирилди. Ёлғонмас, қишлоқдошларимиз 1995-1996 йиллар газдан ҳузур қилишди. Кейинги йиллар эса қишининг қархатон совуғида ҳаммалари “утин печка” куриб олиши.

Кишида газ яхлаб қолса керак — совуқ тушуши билан умуман газ келмай қўяди. Яна апрель ойининг 15 ларига боргандага газга жон киради. Тоза ичимлик суви деган атама ҳали қишлоқка кириб келишига ултурмади. Бухоро вилоятининг ҳеч қайси бир табиии суви яроғи эмаслигини асослаган олимларнинг башоратларини пучукка чиқаришди. Самарқандлик курсдошими қишлоғимизга меҳмонга олиб кел-

дим. Бояқиши қишлоғимиз сувини ичолмай роса қийналди. Уйдагилар кулиши. Мен эса тушундим Тошкент, Самарқанд-нинг сувини ичб юрган киши қандай қилиб бизнинг қишлоғимизнинг сувини ичолади?

Кўпинча мени бир нарса кўркитади, қишлоққа тоза ичимлик суви олиб келинса ўрганмаган одамларимиз уни ичолмасдан исероғ қилиб қўйишмасмикн? Еки бошлиқлар ҳам шуни ўйлајтими?

КОМИЛЖОН ёзib олди

(Давоми. Аввалин ўтган сонларда)

Зинапоядан тушиб келаётганда, қаршидан тез тушиб келаётган Турғун Азизовга дуч келдик. У бир құли билан Учқунни, бир құли билан мени ушлаган бўлиб тұхтади. Кейин юзи титраб кетиб, орамиздан ўтиб кетди.

Чапга бурилиб, бир кенгина хонага кирдик. Гуллар хиди, гуллар хиди... Аллақанча оломон — ола-байроқ одамлар, улар орасида оврупалик аёллар ҳам бор эди — барчаси қандайдир гүж бўлиб, ўтадаги нарсага бўйин чўзиб тикилаёт; унда-бунда йиги, пикъиллаш, "э, худо", "божи мой..." деган шивирлашлар... Шивирлашлар. Гўёки асл воқеани овоз чи-

елкамга кўйиб:

— Ай, Шукурчик, ёмон бўлди. Бу — котта фожеа, - деди. - Агар билсанг, бу — ҳалқ фожеаси... Тўғримасми? - деб юзимга тикилди. - Ботирдақа санъаткорри ҳар куни онаси туғиб бермийди.

— У-у... Ух-х. Ботир ўзини жа тийиб яшади... - Кейин бошини сараклатди. - Йўқ-йўқ, фикрим бошқача: у оламни кўрди. Бир санъаткор эришиши мумкин бўлган шухратга эришди. Суюмли бўлди... Халқа. Халқларга. Ўзбекнинг номини чиқарди... Унга минг-минг раҳмат. - Кейин синициб жилмайди. - Ўзимиз билан кам ўтиради-де. Дарвиш бўлолмас экан. Ха, топдим. Ўткирри

тилимиши, ажабмас, сулув қиёфасида ҳам жамол кўрсатган бўлса...

Турғун Азизовдан сўрамоқчи бўлиб унга қарасам, у Умарбековдан кўз узмай туриби.

Нихоят, Умарбеков бизга ялт этиб қаради-да, хўмрайганича тез-тез юриб олдимизга келди.

— Шукур, яхшимисиз? - Кейин Турғун Азизовга тикилди. - Ҳамма нарса тахт бўлди... Мен тепага чиқиб тушай. Бирон соатда қайтиб келаман. Қачон чиқариши, нималар бўлишини ўшатда келишамиз. Бу — республика миқёсидаги фожеа... Тўғрими, Шукур? Газеталаргаям хабар бериш керак. Телеви-

Шукур Ҳолмирзаев

6

"Жигули"дан берироқда учрашдик. Умарбеков иттифоқо Абдуллахоннинг чап жағидаги билинар-билинмас чандикқа тикилиб қолди-да:

— Э, Абдуллахон, ўша учувчи бўларди-ку, - деди. - ТошМИда... Мана бетидан тешиб, шланга тикиб... Ҳа-ҳа ўша тузалиб чиқиб кетувдими?

Елкаси силкиниб. Пик-пик кула бошлаган шоир:

— Билмадим, кейин борганим йўқ, - деди. - Шукуржон, эслайсизми, ну-

БОТИР ЗОКИРОВ...

қариб айтишга бирон кимса ҳам журъат этолмаётгандек.

Олдимда турғанлар четланди-ю, ўзим олдинга чиқиб қолдим. Қаршимда — узун, чукурғина тобутда Ботир Зокиров ётган эди. Бошида дўппи. Дўппи ёстиққа тегиб, пешонасига хиёл сурилган.

“Ўлим шуми? У энди... турмайдими ўрнидан? Йўқ. Ҳеч қачон кўзгалмайди. Индамаснгиз, кунлаб ётаверади... Лекин индайсиз, кўзгатасиз.

Илло, унинг жойи энди — бошқа ерда... Вой, ўша ерга бориш учун шунча йил яшайдими одам?

Жуда жўн нарса, а, ўлим?

Хе, Ботиржон, сенинг бошингни тушиб ҳасрат қиласиган Гамлет керак бўлди-да: “О, Ёрик, Ёрик! Қани, сенинг кулгиларинг, Ёрик...”

Қандайдир хўнграмоқчи эканимни пайқаб қолиб, ён-веримга қарадим-у, худди Умарбековнинг ёнгинасида турғанимни кўрдим: ҳа, Ўлмас Умарбеков ёнимда экан. Ботирга тикилиб қолган... Мен томок қирмоқчи бўлдим. Назаримда, бусиз ҳам дўстимиз менга қараб қўядиган туолди: у сезигр инсон.

Лекин у Ботирдан кўз узмас эди.

Кимдир елкамга туртди. Видолашгани келгандар экан. Орқароққа ўтётган Назаров боши билан имлади мени. Мен иргалиб, у кишининг олдига бордим.

Шунда Назаров Ботирнинг укаси Жамшиднинг билагидан тортиб, бағрига босди.

— Жигар, бандалик экан, - деди.

Жамшиднинг ҳам афти шишиб-бўғриқиб кетган экан. Бирдан менга талпинди: худди — “ёрдам беринглар, бу қанақаси бўлди?” дегандай. У йифлар эди.

5

Биз пастга тушиб жилганимиз сари Анвар aka ҳам қимирлади; биз секинлашиб у кишига ёндош бўлдик. Учқун ниманидир мулоҳаза қиласиги Анвар аканинг тирсагидан маҳкам ушлаб олди-да, нихоят, юзи бужмайиб кетди.

— Одам ҳаёти шу экан-да! - деди фарёд қиласиган. - Туғиласан, ташвиш тортиб яшайсан. Нимадир қимирлари билан... - Кейин сигарет тутишиб, гугурт чўпининг алансига тикилиб қолди. - Одам ҳаёти шундай масми, Анвар? Карап, ёнвотти, салдан кейин кул бўлади. Ерга ташаворасиз. - Чўпни ташлаворди. - Бу кургур ўғит бўладими, Шукур? Шунака. - Кейин Анвар Мақсадовдан илкис сўради: - Нималар бўлди ўзи? Этиб беринг...

Шунда нариги иморатга яқин турған жигарранг “Жигули”нинг очик турған эшигидан бошқа дўстларимиз ҳам қўриниб қолишиди: Абдуллахон билан Низом. Низом имлагандай бўлди. Учқундан узр сўрамоқийдим, улар иковлон нари кета бошлади. Орқадан келган Турғун Азизов бир қўлини



тили билан этганда, ўзимизга ўхшаб дарвишона

яшолмас эди. Кези келгандало. Биз, биласан-ку ўзинг кетдикми-кетдик, деб... Унда шундай имкониятлар йўқ эди. Биламан: ҳамма иши режали эди. Гастроллар, гастроллар... Ах-х. - Яна бирдан бурилиб, Ботир Зокиров яшаган ўй зинасига қараб олди. - Ман Ўлмасхонни опчиқайми? Унинг иши кўп бўтда...

— Ҳа-я, - дедим мен ва “Мозорда гўр қазилганими? Ҳабар берилганими?” деган саволларни айтмоқчи бўлдим-у, анави кутиб олгувчилар орасида нуқул кўк чопон кийиб, белини боғлаб олган бешолтита йигитларга кўзим тушди: назаримда, бу саволларим ортиқча эди. Ҳа-ха. Ортиқча...

Ана шунда соявонли қоракўл шапкасини бостириб олган, тим қора пальтода Умарбеков зинапояда қўринди. У пастга тушиши ҳамон йигитлар унга пешвоз чиқишиб, ўраб олишди. Умарбеков уларни четга тортиб, бир нималар дея тез-тез гапира бошлади. Сўнг чўнгагидан бир парча қозо қиқарип, унга тикилди. Нималарнидир мухокама килишди. Кейин йигитлардан иккитаси машиналар томонга чопиб кетишиди. Шунда уларнинг ўйкусиз кўзлари чўкиб колгани, бироқ юзлари шишинқираганини кўрдим-у, бир онга фалати бўлиб кетдим.

Инсон нимага интилади? Ўзида йўқ нарсага интилади... Ботир Зокиров ҳамиша нимагадир интилиб, унинг куйида паришон бўлиб яшар эди: ўша ин-

зорға... - У машинадан чиқишиган Абдуллахон билан Низомни кўриб, ҳар иккаламизнинг ҳам тирсагимиздан олиб жилди. - Биласизларми, ман битта нарса ҳақида ўйла-вомман. Боядан бери...

— Ўзингиз ҳам бирон соат туриб қолдингиз, - деб Туғун Азизов.

— Шунақами? Билмайман... Ман Ботирга қойилман. Мана шунақа ётишларини кўп кўрганман. Шукур, касалхонада ётганида боргансиз-а?

— Албатта, - дедим-у, тафсилотини айтишимга ўрин қолмади. Аммо тавфислоти хаёлимдан кечди.

... Ҳа, шунақа узун тушиб ётган экан. “Э, Ҳолмирзаев, - деди-да, бошини кўтарди. Ўпишдик. Кейин иягини кафти билан укалай бошлади. - Тағин ўсибди бу, тағин ўсиб қопти... Шукуржон, шуни қириб ташашга ёрдам бервонинг...” - “Жоним билан, - дедим. - Прибор борми?” - “Ҳамма нарса бор. Ана, ойна... - Кейин ярим гашланиб, ярим кулимишиб гапида давом этди: Ойим келади. Соқол ўсган бўлса, одам касалванд, хунук бўлиб қўринади. Кузатганимисиз? Шунинг учун ҳар куни соқол олдираман. - Кейин ҳеч бир касали йўқдек кулиб ёрорди. - Дадамми эслайсизми? Инфаркт бўлиб ётганларни... Да-да! Ўшанда соколларини опкўйдим. Ўша киши этганлар манга: “Соқол одамми қаритиб кўрсатади”, деб...”

Шукуржон, ман беш марта операция бўлибман-а! Рекорд кўйибман. Айтмоқчи, Сайдажон яхшими? Қизингиз... Пуф, ман ҳам битта қиз кўрсамиди...”

Бу гапни Ботир Зокиров менга ҳам айтишган эди. Баш иргаб турарканман, яна кўнглим бузила бошлади: “У нима учун... хизмат қилди бунчалар? Нахот ундан — ўзидан юз баробар паст турадиган, битта торни тингиллатиб “Онам дерман”дан бошқасини айтишга ярамайдиган йигитчаларнинг ҳам тўйма-тўй юриб, бойвачча бўлиб, чаккасига пул қистирадиган, халқа ҳам паст назар билан қарайдиган бу нодонлар ҳаёти унга таъсир этган-а?”

Йўқ, Ботир ўша ҳоллардан ўксимадимилик? Ахир, у олам танийдиган улуф санъаткорлар ила дўст эди: уларнинг яшаш тарзини яхши биларди. Нега бир оғиз ўпкаламади бу ҳаётдан?”

— Биз Ботирдан кўп нарсани ўрганишимиз керак, - деб фикрини давом эттириди Умарбеков. - У ўргатиб кеттияни анализ қилавуз...

— У санъат учун, ҳалқ учун беминат хизмат қилди, - деб минғирладим. - Таъмасиз...

— Ҳа-ҳа, таъмасиз! - Умарбеков бирдан соатига қараб олди. - Ҳа, ҳадемай бу ерлар тўлиб кетади. Бўлти! - у чўнтагидан кўлқопини олиб, кия бошлади. - Ман борай... бирнеча ташкилот билан гаплашиш керак. Кечакоттага кўнгирок қилувдим. Уф... Сизлар шу атрофда бўлиб туринглар... - Бизлар унинг гапларини маъкуллаб биш иргар эканмиз, иттифоқо менинг тирсагимдан олди. - Юринг, сизга битта гапим бор. Туғун, ман тез қайтаман.

Умарбеков Учқун Назаров билан Анвар аканинг олдида ҳам тўхтади. Мен берироқда кута бошладим: биласизми, ноҷор бўлиш — азобли, а? Кўлингдан ҳеч нарса келмаса шундай пайтда... ноҷорликдан “кўлидан иш келадиган” кишига умидворлик билан қаракансан: унга суюнкарансан. Ҳатто у билан ёнма-ён юриш ҳам фахрли бўларкан. Умарбеков улар иккавига ҳам нималардир дегач, тағин менинг тирсагимдан бемалол олиб:

— Шукур, бояги гапимми этаман сизга, - деди. - Ҳозирча ўртоқларга билдириман...

— Ҳўп, - дедим.

(Давоми бор)

Армон

Дилфузада БЕГИМОВА. 1977 йил 25 науибрда Сирдарё вилояти Сайхун обод тумани Сайхун қўргонида таваллуд топган. Шеъриятга, адабиётга, хуллас дунёвий илмга бўлган қизиқиши уни оддий қишлоқ мактабидан Республика

нафис санъат лицейи томон етаклади. 1995 йилда лицейни аъло баҳолар билан битқизган. Дилфузада Тошкент ҳуқуқшунослик институти талабаси бўлди. Узининг дадил фикрлари билан Дилфузада нафақат тенгдошларини ҳатто кетталарни ҳам лол қолди. Шу сабаб уни ортидан "Килич" деб аташарди. Дилфузада бегим таҳаллусида шеърлар машқ қиласди.

1999 йил Дилфузада Бегим институтни имтиёзли туталлаб, магистратурага қабул қилинади. Ҳамманинг ундан умидлари катта эди. Матбуотда шеърлари эълон қилиниб туар, ёшларнинг қандай анжумани бўлмасин, араб, инглиз, рус, ўзбек тиллари сухандони Дилфузасиз ўтмасди. Унинг сұхбатдоши бўлган одам шундай хуоса ясарди: Бу киз бу дунё одами эмас. Шундай бўлди. Тасодифий баҳтисизлик Дилфузада 22 ёшида оламдан олиб кетди.

Фақат ундан бутун хотира қолди. Ҳукмнинг ҳавола этаётганимиз шеърлар балки Дилфузада охирги сұхбатдошли, сирдошларидир. Кимлардаги айттолмаган сўзларини мисраларга яширган. Шу сабаб таҳририят унинг шеърларини беришини лозим топди.

**БҮДОК ТУХФОДА**


Оқшом. Юлдуз менга боқади маъюс
Юзида ёғуллар гуссаларга бой.
У мендан олий деб ўйласам, афус,
Ўзини қўярга тополмайди жой.

Вужудимга ёғар аччик ёмғирлар,
Юлдуз ўксиси уни кўқдан тўқарди.
Минг йиллаб қафасда ётган асирилар
Каби интиқ бўлиб кўзин тикарди.

Илкларим етмайди, хаёлим ожиз,
Нафим тесгин десам осмон гулига.
Туйгуларим раис, каломим воиз
Интилма дейдилар ўзга гулига.

Йўқ, йўқ интиламан, ахир у юлдуз,
Кўнглум чигал зулфининг темир тароғи.
Маҳшар синовида халоскор Кудус
Мента тухфа этган буюк чироги.

ЧИЛУФОДАР
Очинда тиниқ об юзасин кезиб,
Асринг фош этдингми нозик Нилюфар,
Ахири балиқлар жабридан безиб,
Ўзинга қаздингми сув тубидан жар.



Сени ким маҳв этди, қабир наҳангми,
Туйгулар жаллоди ёй солдими ё?
Булбуллар тараттан нафис оҳангни,
Тинглама дейдими қалбинга ҳаё?

Хаёли саройда сенинг подшоҳинг,
Нега бутунлайн сенга ҳукмрон.
Нега тингламайди аянчи оҳинг,
Сени виждан уйида қиласи ҳайрон.

Нега сен ғафлатинг шаробин тотдинг
Сурордими зўрлаб тагингда дехон?
Фурбатга бас келолмай мешдайин қотдинг
Нега гуллар ўртига бўлмадинг ҳоқон?

Қўз тикиб иболи ҷеҳрангта сенинг
Вужудингга кириб сурардим хаёл,
Жудолик оғзига йўлиқдим, менинг
Фамғусор топа олмай тафаккурим лол!

СИЗНИ ТАНЛАСИЧ

Ҳой қизлар! Мен кимни кўярпман бунда,
Ахир бў жонажон юртим эмасми?
Менинг элим қайта тугилган кунда,
Сизларни кўрганлар афғон чекмас-ми?

Келмоқда сизларга битта сўз дегим,
Бизга тантрим буюк нусрат берди-ку!
Гавҳаршод, Хонзода, Гулбадан бегим,
Бизларга рамз бўлиб қолган эди-ку!



Она деб, опа деб сизни кўзласин,
Даврнинг Улугбек, Алномишлари.
Ўзбек қизи дея сизни изласин,
Сиззиз битмас бўлсин ҳар бир ишлари.

Ўзбек одобидан бўлингиз огоҳ,
Бола қулоғида алла янграсин.
Умримда мен учун бўлсин деб ҳамроҳ,
Асл ўзбек йигити сизни танласин.

Дилфузада БЕГИМОВА

СИМ ТИЛСИМ ТИЛСИМ

Навоий ва Самарқанд ви-
лоятлари оралиғида жой-
лашган Эски Новандак қиши-
логи шу атрофда яшовчи-
ларнинг муқаддас жойи са-
налади. Қишлоқ чеккасида-
га "Кўк тош"-

ТОШНИНГ СИРИ НИМА?

Чукурча ҳам пай-
до бўлди.

Бу тилсимни ўрганиш
мақсадида ташриф буюрган
навоийлик тадқиқотчилар
тошнинг орқа томонида Жа-
лолиддин Мангуберди
ҳақидаги мисраларни ўқиши-
шига солди. Қарияларнинг
насиҳати билан беморлар
"кўк тош" устига сув қуйиб

нинг ажойиб хусу-
сиятлари бор. Бир неча йил
муқаддам шу атроф аҳоли-
си ўртасида шамоллаш ка-
сали авж ола бошлади. Бу
ёшу-қарини баравар таш-
вишга солди. Қарияларнинг
насиҳати билан беморлар
"кўк тош" устига сув қуйиб

ишидди ва оз вақт мобайни-
да даррдан фориғ бўлиши. Худонинг иноятини қаранг-
ки, улкан тош устида сувнинг
йўналиши учун ариқча
в а

Мирали БОЙМУРОДОВ

Атлантик Сити (АҚШ) худуди-
да геологлар тупроқнинг чўкиндилар
қатламини текширишни мақсад қилишди. Қа-
зиз ишлари шу қадар масъулият-
ли кечдики, олимлар ернинг бундан 65
миллион йил аввалги қатига ҳам етиб бо-
риши. Ана ўша қатламдан топил-
ган жисм ва тоф жинслари она за-
минимизга миллион йиллар илгари
жуда катта, баҳайбат осмон жисми
кулаб тушганидан далолат бераркан.

Олимларнинг таҳлилича, Юқажан (Мекси-
канинг жанубий қисми) яриморолига бундан
65 миллион йил илгари улкан метеорит кулаб

тушган. Натижада турли геоло-
гик жисмлар, ҷанг-тўзон ҳаво қатламини
бўткул эгаллаб олади ва бир неча йиллардан
сўнггина Она заминимизга чўка бошлайди. Ана
шу ҷанг ва тур- ли чўкинмалар қатла-
ми олимлар кашф
қилишди.

Кўпчилик динозавр ва бошқа ўсим-
лик ҳамда жонзотларнинг йўқ бўлиб ке-
тишини юқоридағи воқеа билан бөг-
лайди. Аммо баъзи олимларнинг таъ-
қидашча, ерда 65 млн. йил аввал
ҳаётнинг тўхтаб қолишига бошқа са-
баблар бор эмиш. Ўша сабаблар эса
сири-лигича колмоқда.

АВТОБУСНИ „ЮРГИЗГАН“ ЧОЛ

Касбим ҳайдовчи. Ўттиз йилдирки, Шахрисабздан Сарой қишлоғига қатнов-
чи автобусни ҳайдайман. Ѓа кунларининг биринчи, дим. Автобусда одам кўп, ти-
қилинч. Энди йўловчи олмайман, деб онт ич-
дим. Йўлнинг четида бир кекса киши турган экан. Автобусдагилар: Ие, Мўмин бува-ку.
Тўхтатинг, бу чолни ҳафа қилманг. Бир балога йўлиқимиз мумкин дейишиди. Каерга оламан, жой йўқ, деб



автобусни тўхтатмадим. Икки метр юр-
масимдан автобус таққа-тақ тўхтаб қол-
ди. Тушиб моторига қарадим. Ҳамма нар-
саси жойида. Суви ҳам тугагани йўқ.
Жигибиённом чиқиб турганди, ҳалиги чол етиб келиб ав-
тобусга чиқди.

Бахти қарангки, у ўти-
риши билан автобус ҳеч
нарса бўлмагандай юриб
кетди. Ҳозир қандай ҳолат-

да бўлмай, мўйсафидларнинг ди-

лини оғримтамайман.

Худойберди АХМЕДОВ

1992 йилнинг худди шундай

совуқ кунларидан бири эди. Амакимнига телевизор кўрганини борарадик. Бир куни уларни

нидан тунги соат 12.00 ларда қайтаётгандим. Совқотга-

вердим.

Қанча турганимни билмай-
ман. Кимдир орқамдан чақир-
ди. Ўйониб кетгандай бўлдим.
Қарасам, амаким мен томон
югуриб келяпти. Ёнимда эса
хеч ким

КОНГА БЎЯЛГАН ЙИГИТ

тез-тез қадам ташлардим. Шу

вақт олдимдан бир йигит чиқ-

дида, "тез ёрдам" машинаси

чақиришимни сўради. Унинг

уст-боши қип-қизил қон эди.

Ҳайрон бўлдим. Кечаси қаер-

дан телефон қиламан, қишлоқ

жой бўлса. Нима бўлганини

сўрадим. Йигит бўлса мени

воқеа содир бўлган жойга бош-

лади. Машинаси дарё бўйида

ката чинорга урилиб, ава-

рия бўлибди. Яна таажжублан-

дим. Чунки, дарёмиз бўйида

ҳеч қандай чинор йўқ эди-да.

Нима қилишимни билмай тура-

йўқ; конга бўялган йигит ҳам, машина ҳам, чинор ҳам. Оёғим тагида эса катта
жарлик. Агар, амаким чақирма-
ганида ўша ерга қулаб тушар-
канман.

Эшишишмча менга учраган
йигит ҳақиқатдан бундан уч-
иши олдин автоҳалокат туфай-
ли вафот этган экан. Билма-
дим, нега у йигитнинг руҳи
безовта.

Даврон ИСМОИЛОВ,
Кашқадарё вилояти

ТАБКИБДАТИ
КЕЛИН

ди. Нима қилишимни билмай, қўшниларни
чақира бошладим. Бакиришим билан олов
кўздан гойиб бўлди. Кўркув юрагимга таъ-
ган эканми, ҳомиламдаги
иккинчи фарзандим нобуд
бўлди. Ҳалигача оловга
яқинлашолмайман. Фол-
бинларнинг айтишича, ёвуз
руҳлар менга олов тасвири
да кўринган эмиш. Бу гапга го-
ҳида ишонаман ҳам. Чунки ёлғизигина
синглим ўзига ўт қўйганди. Балки унга ўтказ-
ган ситамларим учун, у менга олов кўрини-
шида кўриниб жазолаётгандир...

Дилдора РАХИМОВА,
Жиззах вилояти

БОБОМНИИ ТАНИГАНИАР БОРИИ?

Ушбу хатни ёзишидан мақсад бобом руҳларини шод қилиш. Онам 1951 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани "Гагарин" (хозирги Сайхон) совхозида таваллуд топган. 5 фарзанди бор. Яшаудан камчилиги йўқ. Лекин отасининг васиятни бажара олмайтигидан юраги сиқилади. Бобомнинг киндиқ қони тўкилган жойини зиёрат қилиш, қариндош-уругини топиш бирдан бир умиди. Бобомдан эса ёдгор бўлиб фақат қўйидаги ҳикоя қолган.

"1920-1925 йиллардаги қийинчилик ва касаллик авж олган давр. Уйимиз олдидан сой оқарди. Ўша яшаган жойимизда иккита сув тегирмони бор эди. Дадам ўлимни олдидан, ўглим, сен катта боламсан, менинг исмимни унутма, агар кейинчалик сендан даданг ким деб одамлар сўрасалар, Юнус деб айтгин деганди. Ўшанда 3-4 ёшларда бўлсан керак. Дадамнига вафотидан сўнг орадан иккি йиллар ўтгач онам бошқа кишига турмушга чиқди. Бир куни ўгай отамиз укам ва мени (ўша вактда мен 5-6 ёшда, укам 3-4 ёшлар атрофида эди, исмими эслолмайман) бозорга олиб бормоқчи бўлди. Чамаси 5-6 соатлар йўл юрдик. Тонг ёришаётган вақтда қандайдир шаҳарга келдик ва бозорга эмас, бир чойхонага кирдик. Дадам "Хозир чой-нон олиб келаман" деганича чиқиб кетди.

Кейин билсак у бизни адаштириб кетган экан. Укам билан чойхонадан чиқиб бошимиз оқкан томонга кетдик. Бир пайт олдимизга гумбирлаган товуш билан ғилдиракли уйлар келиб тұхтади. (Кейинчалик билсам укамдан мени айриб қўйган — поезд экан). Укамга сен шу ерда туриб тур, мен кўриб чиқайчи қандай жой экан деб, ўша "уй"га кирдим. Ичларини томоша килаётган вактимда "уй" кимирлаб, юриб кетди. Шундан кейин мен укамни кўрмадим. Темир йўлда мени милиция ходимлари ушлаб олиб, кимсан, қаердансан, отонанг ким деб сўрашди. Мен уларга аниқ жавоб берса олмадим. Чунки мурфак бола қаердан эканлигим, туғилган койимни билмасдим.

Улар мени "Урсатовский станция" лекан жойга олиб келишди. У ерда исминг нима деб сўрашганида дадам айтган сўзларини эслаб, исмим Юнус дедим. Фамилияни айттолмадим, чунки Фамилия нималигини билмасдим.

Мени болалар уйига юбориши. Бу ерда 11-13 ёшлар атрофидаги Олим деган бола ёнимга келиб, мени кучоклаб, сен менинг укамсан, сени иўқотиб қўйгандим деб айтди. Лекин менинг акам бўлмаган, факат укам, синглим бор эди. Синглим эса онам билан қолган. Такдир шу экан, мен Омонни акам дедим, унинг фамилиясига ўтиб Худойбердиев бўлдим. Детдомда 2-3 йил яшаганидан қейин касалликка чалиниб қолдим. Мени даволанишга Сибирдаги болалар уйига юбориши. Тўрт-беш йил бу ерда яшадим. У ерда мени ҳамма, ҳатто директорнинг ўзи ҳам яхши кўрарди. Чунки тарбияланувчилар орасида факат битта мен корачадан келган, жингалак сочли, шумгина болача эдим. Мени эркалаб "цыганенок" деб чакиришарди.

Кейин яна Тошкентта қайтдим. Чи-

тақдир тақазоси билан Қарши шаҳридан Тошкентта кўчиб келганимизга ҳам саккиз йил бўлди. Шунчак вақт ўтса ҳам бу ерга уччалик кўнисларни йўқ. Ҳар доим Қаршидаги синфдошларимни кўмсайман. Тошкентта келиб анча дўст орттиридим.

Хозирги курсдош-

лангарлик касбини эгаллаб, энди ишламоқчи бўлганимда уруш бошланиб қолди.

Урушдан эсон-омон қайтиб, бошпана йўклиги сабаб нажот излаб яна детдомга бордим. Кейин Сурхондарё-нинг Шўрчи туманинда жамоа ҳўжалигига мото-ристлар ке-рак экан, йўлланма била

Талабалик хотиротлари йиллар ўтгани сайн қадрлироқ бўлаверар экан. Биз ҳар гал Тошкентдаги Та-

сакда, Муҳаммад, Фармон, Толмас ва бошқалар билан опа-ука, ака-син-гилдек эдик. Ўртамида самими,

"МИША", ҚАДДАСИЗ?

лабалар шаҳарчаси, у ерда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни эслаб

ўзидан дўстимиз Муҳаммадга ганимизда сухбатимиз ўзидан дўстимиз Муҳаммадга

Хаётда топишиш кўп... айрилиш ҳам шундай. Азиз муштарилик
"Сизни излайман" саҳифамизни айнан сиз учун тайёрладик. Ахтараётгандарингиз бўлса албатта бизга мактуб йўлланг. Илтимосингиз безътибор қолмайди.

севишиб турмуш курдик. Етти фарзандли бўлдик. Аммо тақдир бизга яна бир синов тайёрлаб қўйган экан: болалариминг онаси фарзандларимизнинг кичиги 8 ойлик бўлганида вафт этди. Фарзандларимни кўп машакатлар билан бир ўзим катта қилдим. Нима бўлса ҳам худо мен қўрган қийинчиликларни жигарбандларимга кўрсатмасин, дея кечао кундуз ёлворар эдим..."

Бобом бутун умр туғилган жойини билиш, қариндош-уругларини топиш армони билан ҳаётдан кўзи очиқ ўтиб кетди.

Онамнинг хозирги битта-ю битта максади: тириклигига рўшнолик кўрмаган бобожониминг туғилган, киндиқ қони тўкилган жойларни топиб зиёрат қилиш.

Хурматли "Туркистон" муштарилари, ҳамма умидимиз сизлардан. Сизларнинг орангизда бирор киши бобомни топармикан? Балки қариндошларимиз топилиб колар.

Яна бир қўшимча, бобомнинг болалигига бўтига яралар тошиб кетгани сабабли юзлари чўтириб бўлиб қолган. Балки унинг ёшлигини эслай оладиган қариялар бордир?

**Хурмат билан,
Бахромжон КОМИЛОВ,
Сурхондарё вилояти Кумкўргон
шахри, Охунбоев кўчаси, 4-ий**

етказишиларини илтимос қиласдим.
Азиз синфдошларим, мен сизларни унугтаним йўқ. Эсингиздами, ҳаммамиз тўдалашиб мактаб ҳовлисидаги дараҳтларнинг тагида ҳар хил ўйнилар ўйнардик.

Синфдошла-

рим: Ибодат, Эътибор, Зулайҳо, Санжар, Ҳилола, Нилуфар, Камол, сизларни қаердалигинизни, қаерда ишлаб ёки ўқиётганингиздан бехабарман. Агар Тошкентда ўқиёттан ёки яшаётган бўлсангиз мени қидириб топинглар ёки хат ёзинглар. Манзилгоҳимни таҳририятдан оласиз. Жавоб кутиб қолувчи

Фирзуза ХОЛИКОВА

болаларча дўстлик ва содикликка ҳамма ҳавас қилган. Талаба бўлиб, дўст тутинган одамгина ўшандайн кунларни кўмсashi, дўстлар дийдорини соғиниши мумкин.

Аммо 1988-89 йиллар эди чамаси, Фарғонадан машъум хабар келди. Бизнинг энг қувноқ дўстимиз Муҳаммад (уни ҳамма "Миша" деб чакиради) ўйдан хавотир олиб Фарғонага кетади. Уйда уни ота-онаси, чилласи чиқиб улгурмаган хотини (исми Гўзал эди чоғи) кутиб туришган. Қандайдир ғаламисларнинг, дўстлик ва тинчлик душманлари қўли билан бўлган ўша воқеалар оқибатида "Миша" ҳам оиласи билан Ўзбекистонни ташлаб кетишига мажбур бўлди.

Энг сўнгги сониягача ҳеч биримиз уларнинг кетишига ишонмадик. Қандайдир қилиб? Нима учун? Бегона юртда уларни ким кутиб олар экан? Қайда яшашади? Саволларимиз муаллақ қолди. "Миша" кетди ҳам. Бизда факат улар Россиянинг Вологуйский обlastida деган маълумот бор.

Ҳаётда ишончли, яхши дўст топиши осон эмас. Уларни йўқотиш жуда оғир.

Миша, Муҳаммад Гусеинов! Қайдасизлар? Тинчмисиз? Сизни излаймиз.

**Журналистика
факультетининг
собиқ талабалари
Я. КАРИМОВА,
Т. ИКРОМОВА**

тақалаверади. У Тошкент Давлат Автомобиль йўллари институтининг ётоқхонасида, биз журналистика факультети ётоқхонасида истиқомат қил-

БАХТИМ БЎЛИНГ

Бир куни хизмат сафари билан Тошкент-Денов автобусига ўтирдим. Ёнимдаги ҳамроҳим билан тезда тил топишдик. Ўзини Исомиддин деб таништирган бу йигит асли деновлик экан. Мен эса Тошкентдан эканлигимни, Деновни яхши билмаслигимни айтдим. Шаҳарга ярим кечаси кириб келдик. Қаерга боришимни, энди нима қилиш кераклигига ақлим ётмасди. Үнданд ташқари на машина бор. Ҳамроҳим ўйларимни сезгандай уйига таклиф қилди. Андиша қиласанда, бошқа иложим йўқлигидан уникига боришига рози бўлдим. Уларнинг уйи шу атрофда экан. Уй олдида ёнғоқ дараҳти, тагида эса қоп-қора ит боғлиқлиги эсимда бор. Эшиқда бир кексароқ аёл бизга пешвоз чиқди. Ҳаётда мен бундай аҳил оиласи кўрмаганман. Бир пасда атрофимни бир тўда болалар ўраб олди. Энг кичиги Комил деган боланинг номи эсимда. Чунки у жуда шўх эди. Ҳатто, у сизни акам топиб олдими деганда уятдан қизариб кетганман. Улар мени қизиқиши билан кузатарди. Тунни бамайлихотир ўтказдим. Тонг отгач, йигитнинг уйдагилари билан худди танишлардек хайрлашдим. Ўшанда манзилгоҳимни бериш хаёлимга келмаганидан афсусланаман. Исомиддин мени марказга кузатиб кўйди.

Орадан тўрт йил ўтди. Мен бу воқеанинг ҳеч унотолмайман. Ўша йигитни доим ўйлайман. У Тошкентда ўкишини айтганди. Аммо қайси институтда ўкишини сўрамаган эканман. Ҳатто, ўйлари қаердалигини ҳам қоронгуда эслаб қололмаганман.

Исомиддин ака, агар хатимни ўқисангиз, сизнинг беминнат ёрдамигиздан жуда миннатдорман. Ҳалигача баҳтимини сиздан деб ўйлайман. Сизни учратганимда йигирма ўшда эдим. Ўшанда сизга 22 ўшга тўлдим деганман. Мени кечиринг. Мен сизни излайман. Сиз ҳам мени излашингизни жуда-жуда хоҳлардим.

**Манзура СОДИКОВА,
Тошкент шаҳри,
Миробод тумани**

СИНФДОШЛАР, СИЗНИ АХТАРЯПМАН

ларим билинг хам аҳилман. Лекин 4-синфдан 5-синфга ўқиган Қарши шаҳри, Муҳиммий номли 7-ўрта мактабдаги синфдошларим билан хабарлашиши хоҳлайман. Эшитишмача, севимли устозим, синф раҳбаримиз бўлган Татьяна Павловна Россиянга кўчиб кетиби. Устозимиз 7-ўрта мактабга ўз манзилгоҳини қолдирган бўлса, менга



ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

16 февраль куни пойтахти мизда бир гурух қора ниятли кимсалар томонидан содир этилган мудҳиш воқеа ҳалқимиз нафратини ҳанузгача орттиса орттириди, камайтиргани йўқ.

Мирпӯлат Самиков, Тошкент молия иқтисод коллежи талабаси:

— Ўша воқеалардан сўнг тинч ётб, тинч туришимизнинг нақадар улуғлигини энди-энди хис қиляпман. Экстремистларнинг мусаффо осмонимизни хирадаштиришига йўл қўймаймиз. Ватанимизга қарши фитна уюштириб, кўча-кўйда юрган ёшларни тўплаб, алдаб ҳар хил варақалар тарқатишига ундаётганлар узоққа боролмайди. Чунки ҳаммани хом хаёлу сафсалаларга ишонтириш қийин.

Шерзод Раҳмонов, Автомобиль йўллари институти

оқимларга кириш ҳоинлик эмасми? Ахир биз жаҳонга юз тутмокдамиш. Улар тенги ёшлар бутун дунёнинг турли бурчагида илм олиб, ривожланган давлатлар амалиётини ўрганмоқда. Буларни олдин фақат орзу қилиш мумкин эди. Наҳот адашган ва адашаётган ёшлар буни англаб етмаса? Февраль воқеаларида шахид кетгандарнинг руҳи ҳаққи, қўлини гуноҳсизларнинг қонига ботирган бундай кимсалар барча оналарнинг, оталарнинг қарғишига, бевакт етим қолган гўдакларнинг кўз ёшлари уволига колади.

Анвар Абдураззоқов, 12-касб-хунар коллежи толиби:

— Ваҳҳобийларга тинч аҳолининг қонини тўкиш нимага керак бўлди? Қон эвазига зўрлик билан ҳалқнинг меҳрига эмас, уларнинг ғазаб ва нафратига дучор бўлиш-

ди. Ўтган бир йил шиддат билан ўтган бўлса-да, менга жуда узоқ туюлди. Ноқобил тенгдошларим ҳалқ дусони олиш ўрнига уларнинг лъянатига учрашиди. Уларга шу керакмиди? Улар содир эттан қабиҳ ишларни эсимизга олган сари нафратимизни кучайтиради. Йиллар ўтган сайн барча гуноҳлар тавба-тазаррулар эвазига кечирилиши мумкин. Лекин Ватанга, она-ҳалқга хиёнат ҳеч қачон кечирилмайди.

Армон: Февраль воқеаларида курбон ёшларнинг мозорида кўзига чўл кирса атрофида парвона бўладиган онаизорларнинг ёлғиз ўйиллари ётибди. Ҳар куни адасини интизор кутган қизалокнинг адажониси ётибди. Орзулари бир олам маъсума қизларнинг жасадлари қаро ердан жой олган. Ва яна кимлар... ётибди. Алам киладиган жойи ўз миллингдан, ўз ватанингдан, ўз ичиндан хоинлар чиқса, ўз фарзандига, ота-онасига, ҳалқига қарши курол кўтарса, сўйса, ўлдирса, хунрезлик ва хиёнат килса чида бўлмас экан.

ЗИЁДА

САБОҚЛАРИ

толиби:

— Ҳар қандай билимли инсон ўзининг фикри ва эътиодига эга бўлади. Айниқса жуда кўп кашфиётлар содир этган XX аср одами бўлади. Турли оқимларга билиб-бilmай қўшилган ёшларни кўриб баъзида ачиниб кетаман. Наҳотки арзимаган чақа пулга виждонинга сотаётганлар уларнинг асл башарасини кўрмаётган бўлса. Агар улар мусулмон бўлишса нега бизнинг 18 та тенгдошимизни Тожикистонда ўлдиришди. Нега бизни ёмонликка, разолатга етаклаяпти. Ахир, Ислом ақидаларида ҳатто бирорнинг дилини оғритиш гуноҳ ҳисобланади-ку.

Умид Убайдуллаев, 4-касб-хунар мактаби ўкувчи:

— Тенгдошларимнинг бепарвонлиги, вактини бекорчиликда ўтказиб, ўз ҳаётини, оила аъзолари ва атрофдагиларни хавф остига солиб, бирорнинг таҳдид ва бўйруқларини бажариб юришлари наҳот уларнинг гурурига тегмаса? Давлатимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига аллақандай эртаси номаълум

Муҳим қўлланма

Фаур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти "Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи" деб номланган рисолани чоп этди. У ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими мусассалари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, шу номдаги маҳсус курсни ўрганиш бўйича методик тавсиялардан иборат.

Мазкур курснинг вазифаси диний никоб остида ўзининг гаразли мақсадларини, ҳукмронликка, интилиш иддааларини илгари сураётган ва бу исҳада ҳар қандай жиноятлардан тоймаётган ақидапараст ва экстремистларнинг ҳақиқий киёфасини кўрсатиб беришдан иборат. Зотан, ўтган или 16 февралда Тошкентда содир этилган ўзузлик ҳаракатлари ҳам диний экстремизм ниҳоятда хавфли эканлигини ва унга қарши аёвсиз кураш олиб бориши зарурлигини исботлади ҳамда ҳалқимизни оғоҳликка чорлади.

Курс машғулотларида ёшларимизга ҳозирги вақтда жамияти миз учун хавф туғдираётган диний экстремизм ва фундаментализмнинг келиб чиқиши тархи ва ҳозирги фаолияти, дунёйи жамияти кураётган давлатда диннинг ўрни ва вазифалари тушунтириб берилади. Зоро, кейинги пайтларда айрим ёшларимизнинг турли диний экстремистик гуруҳларга кўшилиб, ақидапарастлик ўйлига кириб қолиши холлари содир бўлмоқда.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим ҳамда Ҳалқ таълими вазирларини Вазирлар Махкамасининг "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада согломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорини бажара бориб, "Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи" маҳсус курсини ўкув мусассаларida ўқитишини мақсадга мувофиқ деб топди. Мазкур курс бўйича машғулотлар 10 соатга мўлжалланган.

**Б.Мансуров,
ЎзА мухбари**

Маълумки, Қизил империя ҳукмронлик қилган даврда қадриятларимиз, ғуруrimiz билан бирга динимиз ҳам қатағонга учраган эди. Аллоҳнинг улуғ неъмати бўлган мустақиллик шароғати ҳамда Юртбоши мизнинг саъй-ҳаракатлари, тадбиркорликлари билан динимиз, қадрият ва урф-одатларимиз қайта тикланди, ўзгаришлар, ривожланишлар юз берди... Буюк истиқолимизни кўра олмайдиган ёвуз кучлар, душманлар динимизга раҳна солиб, ёшларни йўлдан уриб, мусулмонларни тоифаларга бўлиб, яна тинчлигимизни бузишга уриндилар.

Жумладан, "ҳизбут таҳrir" деган бузгунчи оқим ана шундай йўлни тутмоқда. Бу оқим қайсиdir жиҳати билан коммунистлар гоясига ўхшаб кетади.

Ислом уламолари бу оқимни таъқиқлаганлар. Исломда қон тўкиш ҳаром. Ваҳоланки, булар қон тўкишга ундаётдилар. Улар илму маърифат билан ишлари йўқ, жоҳил ва нодон кишилардир.

Дин — бу ҳаётий қонун. Инсонларни Ватанга муҳаббат, садоқат, тўғри сўзликка, меҳроқибатга, раҳму шафқатга, раҳбарларга итоат этишга, иттифоқликка чорлайди. Дин одам ўлдиришдан, бирорнинг обўрўсими тўкишдан, гийбат, бўйтондан, Ватан ва ҳалқга

хиёнат қилишдан қайтаради. Чунки, динни билган киши мансаб ва манфаат, мол-дунё деб, қандайдир оқимлар йўриғига юрмайди. Ҳар бир ишни холис, яхши ният билан Аллоҳ розилиги учун амалга оширади. Ҳалқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди...

Мен бу мақолани виждоним кийналгани, диннинг асл моҳиятидан боҳабарлигим учун ёзялмани. Олим аллома бўлган устозларим ҳамма вақт имом Аъзам мазҳаби, Нақшбандия тарикатини тарғиб ва ташвиқ қиласи эдилар. Улар эндигина юртимизга кириб келаётган "ваҳҳобийлик" ёки бошқа оқимларни танқид қилиш билан бирга, бузук ётиқодига гояси суннатдан йироқ бўлган китобларни ўқимаслики жиддий талаб қиласидилар.

Мен "ҳизбут таҳrir" йўлини, маслагини чуқурроқ билиш учун шу соҳага оид китобларни ўқиб чиқдим. Бу китобларда кўрсатилган далиллар ҳақиқатдан йироқ, даъватларда жаҳолат сезилиб туради. Уламоларга маълумки, Аллоҳ таоло Куръони каримни турли воқеалар сабаб, 23 йил давомида нозил қилган. Араб тилида буни "сабаби нузул" дейилади. "Ҳизбут таҳrir"даги далиллар Куръоннинг "сабаби нузул"ларига тўғри келмайди. Ҳизбчилар ўз мақсадларини амалга ошириш учун Куръони каримдан бир-икки оятни олиб, ўз гояларига хужжат қилиб кўрсатишади. Бу оятларнинг боши ёки охирини ўқисангиз, бутунлай бошқа маъно бериши маълум бўлади. Ҳадислардан ҳам шу усульдан фойдаланишган.

Ўз мақсадларини амалга ошириш учун бир ҳадиснинг бошини олишган бўлса, охирини олишган бўлса,

боши йўқ. Масалан, "Халифа ни барпо қилиш керак, ҳалифага байъат қилмаган киши жоҳилията ҳалок бўлади", дейилган ҳадисни олсак, ҳадиснинг давомини беркитишган. Ҳадиснинг тўлиқ матни шундай:

"Халифалик мендан кейин 30 йил давом этади. Кимда-ким ҳалифага байъат қилмаса жоҳилията ҳалок бўлади", динни ноҳақ обрўсизлантиради. Динимизда сиёсий партияларга, фирқаларга ҳожат йўқ.

Улуғ алломаларимиз, мужтаҳид олимларимиз динимиз аҳкомларини. шариатнинг мукаммаллигини, очик-равшанлигини таъқидлаб, тасдиқлаб кетганлар.

Шариатимизда шахсияти номаълум, тақвосиз кишиларнинг сўзлари ётиборга олинмайди. Исломнинг тўртустуни бўлган мазҳаб соҳибларининг йўллари барча уламолар томонидан ётироф қилинган бўлиб, "ахли суннат вал жамоат" номи остида 13 асрдан буён ҳукм суреб келмоқда. Шунинг ўзи уларнинг йўли ҳақ эканлигини тасдиқлади.

Чунки, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва-фотларидан кейин дин ҳалқ қалбига ҳали мустақкам ўрнашмаган, яқиндагина динга кирган арабларнинг баъзиси диндан қайтишган. Ҳалифа эса уларни динга қайтиариши ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ишларини давом эттириши лозим эди. Пайғамбар оламдан ўтган бўлса ҳам унинг ҳалифаси борлиги, Аллоҳнинг ҳақлиги, ягоналиги ҳалқ ётиқодига сингдирилиши зарур ва шубоис ҳамма бир ёқадан бош чиқарип, ҳалифага байъат

ПУЧ ФОЯЛРГА АЛАДИН МАНГИ

хиёнат қилишдан қайтаради.

Чунки, динни билган киши мансаб ва манфаат, мол-дунё деб, қандайдир оқимлар йўриғига юрмайди. Ҳар бир ишни холис, яхши ният билан Аллоҳ розилиги учун амалга оширади. Ҳалқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди...

килиши зарур.

Шу жараёнга 30 йил кифоя қилди. Ундан кейин Ислом ишларини маъмурӣ аҳкомларини подшоҳлар давом эттиридилар.

1952 йилда Тақюддин Набиҳоний деган киши фаластилинликларни Истроилга қарши кўзғаб, ўз ватанлари озодлиги учун ҳаракат қилишга ундан "ҳизбут таҳrir" номли сиёсий партия тузди.

Кейинчалик дин душманлари ундан устамонлик билан фойдаланиши, сопни ўзидан ҷиқарип, тарқатлашига қилинган бўлган ҳалифаси кишиларига ҳадиснинг оғизларига тарқатлашига қилинади. Бас, етар! Бундан буён хушёр ва ҳамжиҳат бўлайлик.

Айрим ёш "ҳизбут" чиларнинг Президентимиз ва ҳалқимиздан узр сўраганлари яхши, аммо бъазилари: "Биз милиция ходимларини алдадик, йўлнимиздан қайтмаймиз. Қайтадиган бўлсан, охирати милиция хароб бўлади", деганларини эшитмоқдамиз. Йўқ, ундаёт бўлмайди. Аксинча, улар милицияни алдаганлари билан Аллоҳни алдай олмайдилар-ку!

Уларнинг ичган қасамларига келсан, мунофикларнинг алдовларига учеб, ичилган қасмни бузиш гуноҳ эмас, савоб бўлади. Аксинча, улар милицияни алдаганлари билан Аллоҳни алдай олмайдилар-ку!

Куръон оятларида энг тўғри, энг ишончли йўллар кўрсатиб кўйилган. Биз Куръон ва ҳадис чизигидан чиқмасак, мужтаҳид алломаларимизнинг китоб ва кўрсатмаларига амал қилсан, иншоллоҳ, иккى дунё саодатига эришамиз.

**Ҳожи Аҳмаджон БОБОМУРОДЗОДА,
Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент
Ислом олий маъхади мударриси**

БИР ОИЛАДА УЧ ЧЕМПИОН



Үн еттига тўлиб-тўлмаган, мўйлови эндиғина сабза ура бошлаган ёқимтойгина ўсмирга кўзим тушиши билан уни Тошкент аэропортида қучоги турфа гулларга тўлиб турган ҳолати кўз ўнгимга келди. Ўшанда Иброҳим Испанияда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб болиб бўлиб қайтанди. Аэропортда болиб Иброҳимни жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситов, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, ўсмиirlарнинг ота-оналари қучок очиб кутиб олишиди. Юртимиз шуҳратини дунёга яна бир бор таратган, байробимишни Барселона узра кутарган янги чемпионни ойнаи жаҳон орқали бутун Ўзбекистон халқи кузатиб

Пойтахтимиздаги "Янгиобод" маҳаллаларро спорт соғломлаштириш клубида Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси "Соғлом авлод учун" жамоати билан ҳамкорлиқда "Соғлом авлод соврини учун" кикбоксинг бўйича болалар ва ўсмиirlar ўртасида республика очиқ турнирини ўтказди.

Унда мамлакатимиз спорт клублари, Қозогистон Республикаси ва Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан келган жамоаларнинг 250 нафарга яқин ёш спортчилари иғолибик учун рингга чиқди.

Ўтказилган беллашув тафсилоти ҳамда жорий йилда кикбоксингчиларимиз олдида турган масъулиятли мусобақалар хусусида "Туркестон-пресс" муҳибири Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси президенти, кикбоксинг бўйича профессионаллар ўртасида З карра Осиё чемпиони Ботир Зокиров билан сұхbatда бўлди.

— Кикбоксинг бўйича бу йилги илк мусобақани болалар ва ўсмиirlar ўртасидаги республика очиқ турнири билан бошладик. Бу бежиз эмас, чунки соғлом авлод, элга қанот дейдилар. Мусобақада пойтахтимизнинг ўзидан "Биллур", "Барс", "Лочин", "Китек" каби 9 та спорт клуби қатнашди. З кун давом этган қизгин баҳслар натижасига кўра, Б.Набиев, А.Хусаинов ("Биллур"), С.Азимов, Ш.Тулябов ("Янгиобод"), "Ўзватсаноат" очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Беркут" клубидан илк бор қатнашган С.Охунов ва А.Обитовлар ўз вазнларида болиб бўлишиди. Умумжамоа ҳисобида "Биллур" спорт клуби биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, "Динамо" кўл жанги федерацияси жамоаси ҳамда "Янгиобод" спорт клуби вакиллари ҳам яхши натижага эришиди.

— Ёш кикбоксингчиларимиз, қолаверса, катта ёшли спортчиларимиз олдида қандай масъулиятли мусобақалар турибди?

— Айни чоғда ёшларимиз февраль

турарди.

Камгап, оддийгина бу йигитча билан сұхbatлашиб, унинг шахмат сир-асорларини пухта әгаллаган спортчи эканлигига амин бўлдим. У ҳали мактаб ўқувчилигида ёкди дунё кўрди — ўтган йили январда Москвада ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ўтказилган мусобақада болиб бўлиб қайтди. Ўн беш ёшида ёкди ҳолати ўқишини ўтказилган мусобақада ғолиб бўлиб қайтди. Ўн беш ёшида ёкди ҳолати ўқишини ўтказилган мусобақада ғолиб бўлиб қайтди.

— Ўтган йили ёзда Барселонадан катта ҳаяжон билан қайтдим, - дейди Иброҳим Ҳамроқулов. - Очиги, бизларни мусобақа олдида юртимиз раҳбарлари умид ва ишонч билан Испанияга кузатиб кўйганди. Дастреб Барселона кўчалари, унинг манзаралари, мени ҳайратга солди. Жаҳоннинг турли бурчакларидан келган ўсмиirlar мусобақа ўтказиладиган сароғга йигилганимизда яна ҳаяжон босди. Юрт ишончи менга қанот бағишлади. Тенгдошларим ҳамда анчайин тажрибали шахматчиларнинг, дона суришларини кузатиб, жаҳон шахмат мактаби тажрибаси олдида ўзимни бироз ожизроқдек ҳис этдим. Сўнгти босқичларда ҳаяжоним чексиз ортди. Мен катта бўлган азиз Самарқандни, беш ўшарлигимда ёк шахмат ўйинини ўргатган дадамни, эшигимиздан мўлтираб кузатиб кўйгун онамни эсладим. Шахматчи опам Иродани, Шаҳноза синглим билан ўн бир ёшли Жўрабек укамни эсладим. Мен болиб бўлишим керак! Мен билан дона сурган рақибларимнинг барисини доғда қолдиридим. Испаниядан чемпион бўлиб қайтдим.

Самарқанд давлат университетининг биринчи курс талабаси, 17 ёшли халқаро тоифадаги спорт устаси Иброҳим Ҳам-

роқуловнинг чемпион бўлганини жаҳон эътироф этди.

Ҳамроқуловлар оиласини спортчилар оиласи дейишади. Иброҳимнинг дадаси Шаҳобиддин ака шахматчи. Оласи Ирода ўтган йили Ўзбекистон биринчилигига болиб бўлди.

Оиласа кенжা фарзандлар Шаҳноза ва Жўрабек ҳам шахматга жуда қизиқишиди. Гарчи Шаҳноза мактабда ўқисада, ўтган йили опаси Ирода билан ўшлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида Ҳамроқулов ва Нодира Нодиржонова билан утрашви бўлди.

Испанияда ўтказилган 14 ёшгача бўлган ўсмиirlar ва қизлар ўртасидаги шахмат бўйича жаҳон чемпионатида қатнашган эди. Бундай нуфузли мусобақада жонажон Ўзбекистон номидан иштирок этишдан руҳланган Нодира Нодиржонова юрга қайтиб келгач, мамлакат Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллаб, чемпионатнинг эсадалик мегалини ҳам юборган эди.

Давлатимиз раҳбари ёш шахматчинг мактуби ва медалини Олимпия шон-шуҳрати музейига ҳада килди. Нодира Нодиржонова билан унинг дугонаси Юлдуз Ҳамроқуловага Президент номидан қиммат баҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов уларни табриклилар экан, бу совғалар Ўзбекистон Президентининг ўсиб келаётган ёш авлод, унинг саломатлиги ва ҳар томонлама ривожланиши борасидаги замонхўрлигининг яна бир далолати эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Ёш шахматчи қизларга Президент совғаси

Олимпия шон-шуҳрати музейида пойтакт спорт жамоатчилиги вакиллари ва оммавий ахборот восита-лари ходимларининг ёш шахматчи қизлар Юлдуз Ҳамроқурова ва Нодира Нодиржонова билан утрашви бўлди.

Юлдуз билан Нодира ўтган йили Испанияда ўтказилган 14 ёшгача бўлган ўсмиirlar ва қизлар ўртасидаги шахмат бўйича жаҳон чемпионатида қатнашган эди. Бундай нуфузли мусобақада жонажон Ўзбекистон номидан иштирок этишдан руҳланган Нодира Нодиржонова юрга қайтиб келгач, мамлакат Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллаб, чемпионатнинг эсадалик мегалини ҳам юборган эди.

Давлатимиз раҳбари ёш шахматчинг мактуби ва медалини Олимпия шон-шуҳрати музейига ҳада килди. Нодира Нодиржонова билан унинг дугонаси Юлдуз Ҳамроқуловага Президент номидан қиммат баҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов уларни табриклилар экан, бу совғалар Ўзбекистон Президентининг ўсиб келаётган ёш авлод, унинг саломатлиги ва ҳар томонлама ривожланиши борасидаги замонхўрлигининг яна бир далолати эканини таъкидлади.

иҷига олган якка ҳолда мусиқий

кўргазмали чи-

киш тури шу,

та-эқвандо ва ка-

рат-тэнинг "ката"си


каби кўргазмали

чиқишиларидан деярли фарқ қилмайди. Айни чоғда бу спорт турнида шуғулланувчилар пойтактимизда, водий вилоятлари ҳамда Тошкент вилоятидан кўпчиликни ташкил қиласди. Қолаверса, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бир қанча клублар ривожи кўзга ташланмоқда.

Бизнинг маълумот: Бокс бўйича 7 карра республика, ёшлар ўртасида собиқ иттифоқ чемпиони, ҳалқаро турнирлар голиби, 1994-96 йилларда тарихда биринчи марта ўтказилган профессионаллар ўртасида Осиё чемпиони Ботир Зокиров бошчиллик қилаётган кикбоксинг федерацияси яқин З йилда факт жаҳон чемпионатларининг ўзидан 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалларини кўлга кирифтади. Федерация учта Йирик жаҳон кикбоксинг ўюшмалари — WAKO (Бутун жаҳон кикбоксинг ўюшмалари Асоцацияси), IAKSA (Ҳалқаро ҳаваскорлик кикбоксинг спорт Асоцацияси), IKF (Ҳалқаро кикбоксинг федерацияси)нинг төнг хукукли аъзоси ҳисобланади.

Ўқтам ҲОЛИКОВ,
"Туркестон-пресс"

ЎЗБЕК КИКБОКСИНГЧИЛАРИ



Олимпиада ўйинларидан жой олиши учун ўтказиладиган кўргазмали ҳалқаро турнирда иштирок этиш учун ҳозирлик кўришаётir.

— Бўлғуси масъулиятли баҳсларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиласидан шоғирдларингиздан кимлар номини санаб ўтасиз?

— Ўсмиirlar ўртасида ҳалқаро беллашувлар голиби Б.Набиев, А.Хусаинов

чемпиони Владислав Ризник каби тажрибали спортчиларимиз ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиласди, деган ниятдамиз.

— Кикбоксинг спортининг ўзига хослиги ва республикадаги ривожи хусусида мутахассис сифатида ўз фикрингизни билдирангиз?

— Бу спортивнинг олти тури бўлиб, у беш-олтида спортни ўзида мужассам

ТИЛСИМ

„ОЛТИНЧИ СЕЗГИ“ СИРИ

түғрисида тұла тұқис маълумот берішга қодир.

Олтинчи сезги аъзоси мавжуд бүлгап ибтидоидай одам атрофдагиларнинг унга нисбатан ғараз ёки меҳрини адашмай англашга қодир - бүлгап. Олимлар эътироғиға күра, у мисли телепатия зди. Бу түйіндан инсон алданмаган. Иллар үтиши билан, ирсий үзгариш рүй бермай, одамзоднинг ноёб сезги аъзоси емирилди. Аммо уни қайта тиклаш мүмкін экан. Ҳар қалай олимлар ҳозир шу ҳақда бошқотиришмоқда. Чунки баъзи ҳайвонларда олтинчи сезги бор. Фақат уни олиб, инсон ДНКсига ўрнатыш қолди...

Буюк Британиянинг Гарвард тибиёт институты олимлари одамзод узок үйлар давомида олтинчи сезгисини йүқтөгандар, деган холосага келишди. Олимларнинг фикрича қадим-қадим замонларда одамларда олтинчи сезги учун жағоб берадиган махсус аъзо бүлгап экан. Ана ўша орган "қолдиклари"ни улар бугунги одамзоднинг бурун катагидан топишган. Ушбу иккى үта сезгир аъзолар атрофдагиларнинг кимёвий сигналларни ажратиб уларга жавоб ҳам қайтара олади.

Ушбу аъзонинг нақадар муҳимлигига таъриф йўқ, - деди профессор Катрин Дуглас. - Чунки инсон томонидан ажратилаётган кимёвий моддалар у



нимни билмайман. Ўзимга келолмай нима бўлаётганига ақлим етмай турганида хаёлимга ўртоғим келди. Юрганимча пастликка тушдим. Не кўз билан кўрайки, дўстимнинг бўйни биз қабр қазиган кетмон билан чопилган зди. Уни ўша ўзимиз қазиган қабрга кўмдик. Бу ўлим ҳали-ҳали сирлигича қолиб, мени даҳшатта солмоқда.

Озод УМАРОВ,
Қашқадарё вилояти

ШАҚКОҚЛИК ҚУРБОНИ

гарди. Қайсарагимиз тутиб бу ишни синаб кўрмоқчи бўлдик ва иккаламиз мозористонга бордик. Кундузи бўлса ҳам атроф жимжит, кўрқинчли зди. Ер қаттиқлиги учун ковлаш анча оғир кечди. Ҳазил-хузул қилиб "қабр"ни тайёрладик. Комил узала тушиб ётиб олди-да менга қараб:

— Сен кетавер, узокдан пой-

лайсан. Мен ўзимни ўлганга солиб ётаман. Қани мени сўроқ қилгани ким келаркин, деб мени кўймай жўнатди.

— Бўпти, деб қирнинг тепасига чиқдим ва дикқат билан кузата бошладим. Атрофга қарайпману кўзим уйқудан юимилиб кетяпти. Бир вақт қаттиқ зарбадан уйғониб кетдим. Қарасам жар олдида ухлаб қолибман. Қанча ётга-

ГҮРДАН КЕЛГАН ОВОЗ

хакда ўйладиму мозордан додланган овоз эшилтилди. Иккى-уч марта қайтарилган бу фарёдан қулогим жаранглаб кетди. Кизим эса ҳеч нарсани сезмагандай индамай кетаверди. Мен эса қўркувдан оёғимни зўрга босардим. Кулогимни ҳар қанча бекитмай овоз яқиндан эшилтилгандай жарангларди. Уга келдиму ҳолсизланиб ётиб қолдим. Қизим ҳайрон. Нима бўлганига тушунолмайди. Уша тундан сўнг юрак оғриғига дучор бўлдим. Ҳали ҳам бу овоз мени тинч кўймайди.

Саида ОЧИЛОВА,
Пскент тумани

са бўлмагандай. Аммо кўлимда чолнинг идиши қолиб кетганди. Уга келиб ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Эртасига ғалати ҳодисалар содир бўла бошлади. Нимани ўйлаб режалаштирасам амалга ошарди. Машина олдим, уй курдим. Оиласдан қут-барақа аримасди. Ҳамма мени хизирга йўлиқкан одам, деб ҳазил қилишарди. Тўғриси, хизирга йўлиққанимни айтсам ҳеч ким ишонмайди. Идишини кўрсатай десам, кўйган жойимдан фойиб бўлибди. Ҳозир ҳам тинч, осуда ҳаёт кечиряпман. Бу воқеа бундан ўн йил олдин, бўлган бўлсада, буни худди кечагидек яхши эслайман.

Алишер ОЧИЛОВ,
Шахрисабз шаҳри

300 км диаметрга эга бўлиб сунъий яратилган. Ва у 1995 йилнинг 8 июнида Жанубий

нига кўра бизнинг осмонимизда жуда катта ҳажмдаги космик кема ёки ўзга сайёра ва-

МЕХМОН, ХУШ КЕЛИБСИЗ!

км юқорида бўлган. НАСА мутахассислари НУЖ тасвирини яхшилаб ўрганиб чиқиб, қуидаги холосага келишди. Жисм

Америка сунъий йўлдоши тасвирга туширган НУЖга жуда ўхшаш. Тўғриғи, айнан ўзи.

Коинотшуносарнинг тахми-

килларининг космик станциялари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий муддаоси: бизнинг она заминни ўрганиш.

Мен келин бўлиб тушган оила жуда иримчи. Ҳадеб ҳар хил нарсалардан мени маҳрум этишарди. Келин бўлиб тушга-

кўчага чиқдим. Ҳовуз бўйига етдим деганимда бирор орқамдан туртгандай бўлди. Қўркувдан кўл-оёғим қалти-

ЧИЛЛАДА ГУНГ БЎЛГАН КЕЛИН

нимдан сўнг

қирқ кун чилла қиласан деб мени уйдан ҳеч қаёқча чиқармай қўйишиди. Мен бундай иримчиларга қарши здим. Чунки бизнинг оиласиз ҳар хил иримчиларга ишонмайди ва бизларни ҳам шундай тарбиялашган.

Келинлигимнинг ийигирманчи кунида ҳовуздан сув олиб келиш учун челакни кўтариб

раб кетди. Бақирай десам, овозим чиқмайди. Зарб иккинчи марта оёғимга урилди. Йиқилиб хушимдан кетиб қолибман. Кўзимни очсан касалхонада ётибман. Тепамда қайнонам, эрим турибди. Гапирай десам, гапиролмайман. Шифокорларнинг айтишича, кучли кўркувдан гунг бўлган эмишман. Даволаниб, эскилик ирим-сиirimларини қилиб тўрт ойдан сўнг ўз ҳолимга кайтдим.

Насиба КОМИЛОВА,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани



Дўстим Комилнинг ўлимига бу йил уч йил бўлади. Унинг ўлимига ўзимни айбдор деб ҳисоблайман. Шаккоклик қилиб бельмани гаров ўйнамаганимизда утирик бўлармиди...

Хуллас, ўша куни дўстим билан ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисида баҳслашиб қолдик. У нуқул: Инсон ўлгандан кейин ҳеч ким унинг олдига сўроқча келмайди. Бу диндорларнинг сафасати, деб менинг жонимга тे-

кишлогимизнинг бир чекка жойида чинор дарахти бор. Одамлар унинг олдидан үтишига қўрқишиди.

Бир куни айни туш пайтида даёга чўмилгани бордим. Чўмилиб қайтаётсан орқамдан кимдир чақириди. Ўзимни идора қилмай овоз келган томонга боравердим. Ҳаёл оғушида чинорнинг олдига келиб қолганимни сезмабман.

Чинор тагида бир чол ўтиради. Салом бериб, чолнинг олдига ўтиридим. Менда ҳеч қандай қўрқув йўқ эди. Чол шишига ўхшаган ажабтовор бир идиш берди-да, сув олиб келишимни айтди. Юрганимча дарёга бордим. Идишини тўлғазиб чинор тагига келдим. Лекин не кўз билан қўрайки чол йўқ. Атрофга қарадим, ҳаммаёқ жимжит. Гўёки, ҳеч нар-

ХИЗИРГА ЙЎЛИҚКАН ЙИТИЛ

одам, деб ҳазил қилишарди. Тўғриси, хизирга йўлиққанимни айтсан ҳеч ким ишонмайди. Идишини кўрсатай десам, кўйган жойимдан фойиб бўлибди. Ҳозир ҳам тинч, осуда ҳаёт кечиряпман. Бу воқеа бундан ўн йил олдин, бўлган бўлсада, буни худди кечагидек яхши эслайман.

Алишер ОЧИЛОВ,
Шахрисабз шаҳри

1999 йилнинг 21 ноябрь куни соат 14.45 да океан атмосферани кузатиш Миллий

бошқармасининг сунъий йўлдош (АҚШ) ноёб НУЖни суратга туширди. Ушбу жисм 160

нига кўра бизнинг осмонимизда жуда катта ҳажмдаги космик кема ёки ўзга сайёра ва-

килларининг космик станциялари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий муддаоси: бизнинг она заминни ўрганиш.

км юқорида бўлган. НАСА мутахассислари НУЖ тасвирини яхшилаб ўрганиб чиқиб, қуидаги холосага келишди. Жисм

Америка сунъий йўлдоши тасвирга туширган НУЖга жуда ўхшаш. Тўғриғи, айнан ўзи.

Коинотшуносарнинг тахми-

Шукур Холмирзаев

— Билмайман.

— Эх, Шукур, Шукур. Мухаррир билан гапларинг қочиб қолдими?

— Гап уларда эмас... Тұғри, у киши: "Шукуржон, уч-тұрт ой ижодий отпұсқа-га чиқиб түрнін", деб илтимос қылди-лар. Кейин бу гап юқорида бүлганини айтдилар. Мен күп асарларни қайтар-ған эдим...

Умарбеков беҳол тортиб сигарета тутатди. Кейин дераза ойнасина туши-риб күйди.

— Мен тушундым, -деди ниҳоят.

— Шошман! Уч-тұрт ойга бүшадингизми?

— Йұқ, -дедим ва мухаррирга айтған гапимни айтдым: — "Мирмухсин ака, азият чекманг, -дедим. — Мен уч-тұрт ойга эмас, бутунлай кетаман", дедим. Кейин ариза ёза бошладым, ручамнинг пастаси тугаб қолди. Сиёхи қора эди. Бүлімдән янги ручка опкелай десем, мухаррир күк сиёхли ручкаларини бердилар: "Езверинг. Бұлади!" Ездим. Шу... У ёғина айтмайман...

— Нима? Этинг-этинг энді!

— Йұқ, бошқа сафар...

— Хұп, майли -кейин бирдан менга юзланды. — Күнингиз қандок үтади? Ахир, рүзгорингиз бор-ку, дарвиш...

— Ай, бир амалларман... -кейин Умар-бековга термудым. — Ызим билмасдан сизга үшшаб иш тутган эканман.

— Да, -деди Умарбеков. Сұнг гувил-лаб кеттән мотор товушни пасайти-ди. -Энди ман борай... О, соат саккис ярим бүтөтті! Хайр, Шукур. Тез қайта-ман!

Мен ташқарига чиқдим. Умарбеков машинани майдондан тез чиқарып кет-ди.

Хар томонға чүзилған хиёбонлардан эса түрли маркалы машиналар қор пар-чалары ёттан майдонға кириб келиш-моқда, пиёдалар ҳам күп эди. Ҳадемай майдону үйнинг атрофлари ҳам одамға тұлғиб қолади. Биз Ботир Зокировнинг (собиқ) дүстләри бир четта чиқиб қол-дик: Ботир Зокиров энді әлники бүлганды: ажабо, уннинг концертләридаям шунча күп одам тұпланармиди?

Мана, үлемига ҳам келишди... Энди үз санъяткорларини охирги марта күри-шади; кейин уннинг суратларини күри-шади, видеофильмларда күришади, ра-диодан-пластиналардан ашуларапарни эшишишади ва "шундай одам эди — үтіб кетди-я", деб гурунг қилишади.

Узр, узр! Битта гап ёдімға тушиб кет-ди. Ботир Зокиров үшшанда Раҳшона деган қызы күрган эди. Тұрған Азизовдан-ми, Анвар академии шешитиб, ҳайрат-да қолдым: ахир, Раҳшона — Александр Македонский үйланған бақтр қизи — Бақтрия қокими Оксартнинг қизи-ку... Фалати бүлиб кетдім-у, тавба, Үлмас Умарбековнинг ҳам хув үшшанда — үғли туғибиңдік үлгандын кечаси ... тонг оттаг, йүлда шекилли, энди бир қыз күришни орзу қылғанда ёдімға тушиб. Умарбеков үшшанда аниқ қилиб айтған эди: "Кизбо-ла отасига меҳрибон бүларкан, Шукур. Мана, сизнинг кизингиз Учкуннинг қизи — Сайёлар алар қандок меҳрибон сизлар-га... Шундок билиниб туради..."

Тошкент, 1998

(Охир. Аввалин үтган сонларда)
Шұнда машиналар томонға шошиб жилаёттән Умарбеков жаһл билан мен-га қараға тұхтади.
— Шошман! Сиз. Манга қаранг... Уч-рашманизига қанча вакт бүлди?

Мен ишшайиб:
— Анча, -дедим. — Журналда іш күпайиб қолди. Сурхондарәға уч-тұрт марта бориб көлдім. Бойсунға, Булунғура ҳам... Биласиз-ку, отам ўша ерлік бүлған...
— Бүпти. Баҳона қылманд, -деб гапим-

ката мактаб — 1-сон мактаб комсомол ко-митетининг бириңи котиби бүлған эди. Еттінчи синф боласи... Кейин, кейин Би-ринчиликтан "урлық", мактабдан хайда-лишимга ҳам оз қолған эди: үшшанда мени етаклаб мактабға олиб борған, "Сен ҳақсан. Аммо раҳбар одам ёлғончи бўлишга маҳбур бўлади. Сиёсат шуни талаб этади", деб ўғит берган ва "адабиётдан қолмаслик"ни уқтирган раҳнамоларим ҳам Ҳуррам ака ва Эсон Жаббор деган ўқитувчилар бүлған эди.

дан ойна артгич чўткани ишга солди. — Ботирри ўли-ми менга ємон таъсир қилди. Уннинг кўп орзулари рўёбга чиқмади. Тўғри, уни бедаво касал олиб кетди... Лекин бизни ихтиёrimiz, худога шукр, ўзимизда-ку. Соғмиз. Навқи-ронмиз... Умрни совурмаслик керак энди. Бўлар-бўлмасга... -Кейин тиззасига муш-тлаб юборди. — Мен ўзимми тушумай қоламан бъазан. Эсийиздами, у ёқда "вакт кўп бўлади", девдим... Раҳмат. — Кескин боз иргади. — Лекин, -мунғайбигина қол-

БОТИР ЗОКИРОВ...

ни кесди у. — Истамадим деб қўя қолинг!

— Йўқ, нега энди...
— Шунақ! Сабабини ҳам биламан. Бизнинг бу диалогимизни эшиштән одам балки ҳеч нарсанни тушумасди. Ҳолбуки, Умарбековнинг силтаб гапи-раёттани, нимадандир гина қилаёттани ва менинг ўзимни оқлашга интилаёттаниннинг сабаби оддийгина эди: Үлмас Умарбеков Марказкўмга кўтарилиб, "теп-пага чиқиб кетганидан" кейин камина — консерватив-кишлеки ўзимни секин тортган эдим: Тўғри, ундан ишора кутган пайтларим бўлған; қўнгирок қилиб, ўйига чорлаганда, яна... бир бор сим қоқишини кута-кута боромлай қолганим ҳам рост. Тағин бир гап: Умарбеков юқорига кўтарилиб кетгани аён бўлганидан сўнг ҳам у кишини табрикламади.


Нима қиляй? Бу борада менда алла-қачон чукур қаноат пайдо бўлған эди: ёзувчи ҳалқи, аввало, адабиётни билиши керак — адабиёт билан яшashi ке-рак...

Амал, лавозим — бошқаларга тан... Ҳе-е, бу борада кимлар, қандай самими-й арблар менга маслаҳат берма-ған эдилар: Сурхондарә вилоят раҳбарларидан үша киши — Ҳайтбай Азимов, меҳрибон муаллимим — Бойсуннинг кат-таси Ҳуррам Холиков... Қолаверса, улғ ёзувчиларнинг ёзишиларию атроғимда мавжуд ёши катта адилларнинг қис-матлари — сабоб илло уларнинг кўпчи-лиги амалдор эдилар: шунинг учун сиё-сатта қарам эдилар; уннинг ташвиқотчи-си бўлишга маҳкумларни кўриниб туар, бу борада, айниқса, Асқар ака (Аскад Мұхтор) кўп гапирадар, бъазан ерга тикилиб қолиб: "Нега партияга ўтибман экан? Энди буюради, вассалом!" дер эди.

Қолаверса, менинг табиатимда ўзи ёзувчининг лавозимга интилишидан на-фрлатаниш бор. Пул, амал, таъма — ёзувчининг душмани деган ақидага аллақачон келиб бўлғандим.

Дарвоқе, битта гапни эсласам: ана шу ақидаларим ҳақида, айниқса "бошқа давра"даги ёшлик дўстларимга гапи-рардим бъазан. Бир гал Тиллага (үшанда Тилла Менглиев Сурхондарә вилоят ижроия қўмитасининг раиси эди) айт-ганимда, у менинг белимдан кучиб ва кулиб: "Ўзингам раҳбар бўлсанг, бир кун кетингга тепиласан-да", деган эди. Мен: "Жуда тўғри айтаяпсан", деган эдим.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу факирингиз ол-тинни синфда комсомолга ўтган, еттинги синфда тўрт юз нафар комсомолга хўжайин бўлған, яъни, Бойсундаги ёнг



7

ЕССЕДАН

Умарбеков шо-
колодранг машинасини (демак, ўз маши-
насида келган экан) очиб, моторни ўт ол-
дирди-да: "Бу ёқдан кириңг. Қизигунча
гаплашиб олайлик", деди. Мен машина-
нинг у томонидан кабинага кириб ўти-
рдим.

— Биласизми, Шукур, -деди у бирдан аччиқ шивирлаб. — У ёқда ишлаб турниб адабиёт учун, ёзувчилар учун кўп иш килиб бўлмас экан. Ҳатто зиёнинг тегишиям мумкин экан. Шунақа. Сиз ишонмайизде... Шунинг учун ҳам ҳозир аҳд қилдим. Биласизми, нима деб аҳд қилдим?

— Билмайман.

— Мен ўттани кетаман, -менга оғир қара-ди. Бурун катаклари кенгайиб пучайди, жағларидан пайлари бўртди. — Кетаман, Шукур, -энди олдинга тикилди-да, бир-

ди, -Лекин ман ўзим тинч қараб туролмас эканман: бурнимми сук-кавераман... Ишламийман, үша йигинга бормийман. Бари — бемаъни гаплар, дей-ман. Аммо бирпастдан кейин қарабисизки, гизиллаб кетивомманд... йигинга. Кейин со-атлаб ўтири. Кузат. Кимгадир дўқ қил. Бит-та журналнинг мұқосасига кетмон кўтар-ған чолнинг расми берилган бўлса, "Нега тракторчининг расми эмас бу?" дейи-шинг керак... Ҳой, Шукур, уф, бу йил Наврӯз ўтмийди. Ана кўрасиз...

— Бултур ҳам яхши ўтганимас, -дедим.

— Умуман, этвомман-де. Ахир, шу иш-ларга бош қўшишга тўғри келади-де.

— А-а, -дедим-да, мунғайбигина кули-мисадим. -Умарбеков, ишонасизми, мен ҳам журналдан кетдим.

— Нима? Нега? Утда сиз ишлашингиз керак эди-ку? Энди ким боради?

"Киёфат-ул-башар"да ҳар бир инсон суврати уннинг юра-гининг аксиидир, дейилади. На-заримизда Дилдораннинг сурати ҳам, сийрати ҳам мана шун-дай гўзал, самими... Самими-лик эса оғир, жуда нозик. Чун-ки у ақл, чукур маънавий одоб-ни талаб этади.

Сиз буюк адид Абдулла Ко-дирийнинг "Мехробдан чаён"

романини бир неча маротаба ўқиб чиқиши баробарида, Раъно-ни ҳар гал турлича талқин эта-сиз. У ўзининг хүшсуврати, дил-бар никоҳлари билан намоён бўлиб, ўйнгизни банд этади. Чунки унда ҳеч қайси миллатда кўйланмаган "ўзбекона ҳаё" мужассам. Тўғриси-ни айтинг, сиз "Мех-робдан чаён" видеоп-фильмини томоша килиб туриб, "Мана Ко-дирийнинг Раъноси", -деб ич-ичингиздан тас-дикладингиз, тўғрими? Чунки Ко-дирийнинг Раъноси — Дилдора тимсолида ҳар томон-лама бўй-басти, бор комиллиги билан янада сайқаллашди. Тўғри, рол бажариш қийин

эмас, аммо қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ички түғёнлари, дарду-кечинмаларини руҳан ҳис этиб, уни жонлантириш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Дилдора

билимдонлиги ва камтарлиги билан олий ўқув юрти ва айни пайтда ижодий жамоада ҳам обрў-этибкор қозонди.

Булар албатта осонликча кеч-мади. Бунинг учун у ўз усти-да тинимиз изланиб, ўқиди. Айни пайтда бу комила қиз б та тилда бемалол гаплаша олади.

— Ёшлигимда дўхтир бўлиши орзу қилгандим, — дейдиди Дилдора. — Аммо, Раъно Жўраев-ва, Дилором Умароваларнинг тел-лекранда пайдо бўлиб, хушта-бассум, очик чехра билан сұхан-донлик қилишлари мени ўзига ром этаверарди. Орзуларим рўёбга чиқиб, 1997 йил ўзтеле-радиокомпаниясида ўтказилган сұхандонлар танловида 80 нафар йигит ва қызлар орасида голиб деб топилдим. Айни пайтда компьютер сабоқларини ҳам чуқур ўрганилганин. Чунки бу замон та-

билимдонлиги ва камтарлиги билан олий ўқув юрти ва айни пайтда ижодий жамоада ҳам обрў-этибкор қозонди.

Дилдора Рустамова — айни кунларда Зулфия номидаги Давлат мұкофотига тавсия этилган. Ўйлаймизки, Дилдора ўз олийгоҳи ва меҳнат жамоаси шарафини оқлаб, ушбу мұкофотга мұносиб кўрилади.



Ниятим, чет элларга чиқиб, билимимин янада ошириш. Кундан-кун гуллаб, шиддат билан ўсіб ривожланаётган мамлакатимизга содик фарзанд бўлиш.

У чарчаш нималигини бил-майди.

Дилдора Рустамова — айни кунларда Зулфия номидаги Давлат мұкофотига тавсия этилган. Ўйлаймизки, Дилдора ўз олийгоҳи ва меҳнат жамоаси шарафини оқлаб, ушбу мұкофотга мұносиб кўрилади.

**Мұхаббат ҲАМОРОЕВА,
"Ёшлар" телеканали
ката мухаррири**

Гулнора Одилова билан хизмат сафарига чиққани-мизда танишиб қолдим. Ү анча йиллардан бери Самарқанд вилоятидаги қишлоқлардан бирида кутубхоначи бўлиб ишларкан. “Китобга меҳр қўйганим учун шу касбни танлаганман” деди у. Аслида китобнинг ноёблигини, қадру қимматини уни мунтазам мутолаа қилган кишигина теранроқ тушуниши маълум. Хуллас, суҳбатимиз қизиб, ниҳоят унинг иш фаолиятига келиб тақалди. “Кутубхонангиз ҳақида гапириб беринг” дедим мен.

Гулноранинг сұхбатидан.
“Мен ишлаётган кутубхона
қишлоғимиз чеккасидаги
фариғина бинода жойлашган.
Бино ичкарисини үзим ишга
келган йилларимдаёқ саран-
жом-саришталаб олғанман.
Деворларнинг дарз кетган
жойларини икки акам суваб,
оқаклаб беришган. Лекин бу
йил... Кутубхона шифтидан
чакка ўта бошлади. Ёмғирми,
қорми ёға бошласа юрак хо-
вучлаб ўтираман. Бундан икки

бўлиб, ота-оналар билан сұхбатлашганимизда кўнглим ёришди. Жуда кўпчилик хонадон эгалари болаларининг китоб ўқишлидан суюнишаркан. “Қанийди, ўғил-қизларимиз бекор юриб вақт ўтказганларидан кўра, ўтириб ҳар хил китобларни ўқишса, - дейишиди улар. - Ахир китоблар ахлоқ-одобни, катталарга иззатли бўлмоқликини ўргатадику!” Ҳатто қишлоқ фолларидан бири “**Бугун савдодаги китобларнинг баъзилари қиммат. Шундай экан, эндиликда кутубхоналар ишини янада жонлантириш керакда**” деган гапларни айтди. Шу фикрда жон бор. Ахир, ҳар бир қишлоқнинг қоқ ўртасида кўркам ва тўкис кутубхонаси бўлса, ким ҳам у ерга кириб туришни истамайди, дейсиз.

мослаштирилган биноларда жойлашганига деярли ўрганиб кетганмиз. Бирорта қишлоқда "янги кутубхона қуриляпти" де-

МУАДХАЗА

РУБЛЮКОНГАИРСКАЯ

ой бурун ёрдам сўраб, раҳбарларга бордим. "Яқинда медпунктни янги бинога кўчирамиз, ўрнига сизлар ўтасизлар" дейишиди. Қаёқда! Медпункт биноси бўшагач, унга қишлоқдаги хуссий тикувчилик фирмаси жойлашиб олди. Сўнг мен ҳам қараб турмасдан, яна раҳбарлар эшигини қоқиб бордим. "Жамоа хўжалиги идораси янги бинога кўчади, ўрнига албатта сизлар ўтасизлар" дея ишонтиришиди. Эшитишимча, бу гап ҳам омонатга ўхшаб турибди. Чунки, ўша бинони яна аллақайси идора ўзлари учун сўраб югуриб юрганмиш. Хўш, энди биз нима қиласиз? Аллақачон яrim вайронага айланган муздек бинода яна неча йил ўтирамиз? Бино қулаб тушгунчами? Бизга ким ёрдам беради?"

Сүхбатдан сүнгги мулотхаза.

-- Биз кўпинча қишлоқ ёшларининг аксарияти китоб ўқимай қўйгани ҳақида гапирамиз. Лекин, қишлоқларда мана мен деб "кўкрак кериб" турган кутубхона биноси ёки китоб дўкони йўқлиги хусусида фикр юритмаймиз. Ахир ёшларимизнинг китобдан узилиб қолаётганликларига қишлоқ кутубхоналарининг кўримсизлиги ва суст фаолият кўрсатаётгани ҳам сабаб бўлмаётганмикин?! Гулноранинг сухбатига келсак... Нима учун медпункт ёки жамоа хўжалиги идоралари янги бинога кўчиб ўтиши керагу, қишлоқ кутубхонаси япянги бинога эга бўлиши мумкин эмас? Нима учун? Ахир қадимдагилар зиёхона деб эъзозлашган, энг чиройли жойларни танлаб, кироатхоналар, мадраса ва кутубхоналар куришган. Илмнинг қудратини чуқур англаべтган боболаримиз фарзанду набираларига китоб ўқинг, илм олинг, дея насиҳат қилгандар.

ган гапни эшитсак, ажабланишимиз табиий. Негаки, энг бой жамоа хўжаликларида ҳам янги дўкон, новвойхона, қаҳвахона ё ошхона қурилиши мўлжаллана-ди, лекин янги кутубхона қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Бундан уч йилларча аввал бир қишлоқ кутубхонасида бўлдим. Кўз олдимда шундай манзара қолган: харобгина кичик бино, қўнишибгина ўтирган кутубхоначи қиз, жавонлар етишмагани сабабли ерга тахлаб қўйилган чанг босган китоблар... Шунда кутубхоначини саволга тутдим:

- Китобхонларингиз қанча?
 - Китоб ўқийдиганларни айтаяпсизми, - деди у сал иккиланиб. - Бу қишлоқда фақат уч киши китоб ўқийди.
 - Уч киши? Улар кимлар?
 - Мен, синглим, мактаб директорининг кизи

ўша қишлоқдан қайтаётіб, үйладим. "Бу кун атрофимизда турли-туман ахборотлар оқими қайнаб ётибди. Телевидение, радио, юздан ортиқ номдаги газета-журналлар... Шундай пайтда ҳаммага "китоб ўқинг" деб уқтириш балки сал эришрок туюлар... Сўнг ўз-ўзимга қарши чиқдим. "Хеч бир нарса китобнинг ўрнини босолмайди!" Бу кун юз берәётган маънавий тартибсизликлар, ҳатто ёш оилалардаги ажримларга ҳам йигитқизларнинг китобдан узилиб қолаётгани сабаб бўлаётгани аниқ. Энг тубан ишлар ортида баъзан маънавий қашшоқлик холатлари ётади.

Гулнора билан сұхбатлаша-
ётганимда, у мен кутмаган мав-
зуда сўз юритиб қолди.

Гулноранинг сұхбатидан.
“Биласизми, баъзи ўсмирлар-
нинг қизиқишлирига қараб ҳай-
рон бўламан. Бир икки марта
ёшгина йигитлар кутубхона ичи-
ни айланиб-айланиб чиқиб ке-
тишаётганида “Қайси китоб ке-
рак эди сизларга, топишга
ёрдамлашай” дедим. Шунда
улар кўлларидағи қофозчага
қараб “Висол лаззати”ни излаб
юрувдик, шу китобчани топол-
мадик” дейиним. Кейини вич

муносабатлар ҳақидағи китоб экан. Тұғри, ёшларимиз жинсий тарбияни ҳам маълум даражада билишлари керакдир, лекин даб-дурустдан тасодифий китоблар уларга салбий таъсир үтказиши ҳам мүмкінку! Бу кун савдодаги китоблар орасыда савияси паст асарлар ҳам учрайди. Шуниси аянчли..."

Кутубхоначи қиз ҳақ. У ёки бу ташкилотлар ҳисобидан катта пул эвазига чоп этилаётган айрим асарларни ўқиб кишининг энсаси қотади. Сатр хатолари фиж-фиж. Баландпарвоз гаплар йифиндиси. Талабга жавоб берадиганлари кам. Яқинда муқоваси чиройли безатилган китобчани сотиб олдим. Сўнг ичидаги шеърларни ўқиб ажабландим. Бир пайтлар никоҳ тўйларида келиннинг дугоналари айтадиган жимжимадор шеърларга ўхшайди улар. Жаранг бору, мазмун йўқ. Шу китобча бирорта бошловчи шоирнинг қўлига тушиб қолса

www.scholastic.com | 1-800-SCHOLASTIC

Одатда, тарихий китобларни бир-бир вараклаб, қизиқ туулган жойларини чўқилаб-чўқилаб ўқий миз-да, ёпиб қўямиз.

ИККИ АСР ХИКОЯСИ

тайёрланиб, қулай пайт пойлаб юраверган. Бу орада у Қозогистон ерларини ўзлаштириб, унинг халқарини тобе қилиб олаверган, секин-аста Туркистон хонликлари-га яқинлашиб келган. Ниҳоят XIX асрнинг 30-йилларида босқин-чилик юришлари бошланиб кетади. Устма-уст юришлар туфайли дастлаб Кўқон хонлиги ўзининг ҳозирги Қозогистон худудидаги шаҳарларини қўлдан беради, кейин Хива ва Бухоро хонликлари ҳам шу аҳволга тушади. Бора-бора иккита хонлик буткул йўқотилиб, фактат Бухоро хонлиги кичкина худудда, бўри олдига бойланган кўйдек бўлиб қолади.

Босқинчилар томонидан босиб олинган шаҳарларнинг аҳолиси, қалъаларнинг қўриқчилари қаттиқ қаршилик кўрсатадилар, бироқ курол масаласида улар анча устун эди. Бундан ташқари, хонликлар ичидағи ва ташқарисидаги

Россия империясининг ўлкамизга давлат миқёсидағи дастлабки босқинчилек юриши Пётр Биринчининг кўрсатмаси билан 1717 йилнинг ёзида рўй беради. Бекович-Черкасский яхши қуролланган уч мингдан ортиқ аскар билан Хива хонлиги устига юриб, карvon йўлларининг осойишталигини тъминлаш ва икки давлат ўртасида яхши муносабатлар ўрнатиш учун элчи бўлиб келганмиз, деб Хива хонини алдамоқчи бўлади. Хиваликлар келгиндиларга хужум қиладилар, бир неча кун жанг бўлади. Хива хони Шерғозихон ғалаба қозонолмагач, бошқача йўл тутади.

Итидағи ва ташқарисидаги ноаҳиллик, айрим бой-бадавлат одамларнинг сотқинлиги, хон ва бекларнинг уқувсизлиги, узокни кўролмасликлари, айш-ишратга муккасидан кетиш -- ҳаммаси элжорт бошига битган бало, босқинчиларга эса, айни муддао бўлган. Тўғри, Олимқулга ўхшаган бир-икки лашкарбоши ғалабаларга эришган, лекин улар ҳам кичкина ғалабадан маст бўлди, енгдик. де хотиржамликка берилганлар. Бирбирига адоват қилиб, кечирилмас хатоларга йўл кўйганлар. Буларнинг бари китобда жуда яхши ёритиб берилганки, ўқиган одамнинг кўз ўнгидаги ўша давр шароити яққол

намоён бўлади. Укувчи ўша давр хонларининг шахсияти ҳақида ҳам анча тасаввур ҳосил қиласди.

Китобда босқинчиларнинг кирдикорлари очиқ-ойдин таърифланганки, бундай гапларни мустақилликдан илгари айтиб бўлмасди. Муаллиф асар муқаддимасида буни афсус билан


Улар Ўрта Осиё халқларини ёввойи ҳисоблаб, қари-қартанг демай, аёл ёки ёш бола демай, тинч аҳоли демай, аёвсиз қириб, шаҳар-қишлоқларни якson этиб ташлага-ни ҳақидаги сатрларни. рақамларни бефарқ ўқиб бўлмайди. Юрак беихтиёр жунбушга келади.

Россия империясининг асл мақсади бизнинг ўлкаларимиз билангина чекланиб қолмай. балки Ҳиндистонни ҳам қўлга киритиб, океанга чиқиш экан!

Тадқиқотда 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги халқ құзғолонлари, шу жумладан, Дукчи Эшон құзғолони ҳам батафсил ёритилған. Китоб ниҳоясидеги мухтасар холосада мана бундай сатрлар ҳам бор: “Хуллас, Амир Темур Олгин Үрдага зарба беріб, үзи үйламаган ҳолда Россия мустақилигининг таъминланиши-га имкон яратып берди”. Султон Боязиднинг тор-мор этилиши ҳам шунға үхашаш оқибатта олиб кел-ған эди. “Үзингдан чиққан бало”ға даво йўқ-да. Буни ғанимлар жуда яхши биладилар.

Китоб мазмунли бөзатилгани, тарихий шахсларнинг фотосувратлари, воқеаларга оид бадиий расмлар билан бойитилган. Бундан ташқари, тили равон, тушуниш осон, жамоатчи муҳаррир Маҳмуд Саъдийнинг ҳам хизматлари кўп кўринади. Бор-йўги 10 минг нусхада босилган бу китоб тез кунда тугаб қолади, иккинчи нашрга эҳтиёж тугилади. Шунда унга хариталар киритилса, у янада қизиқарли бўларди.

Хулоса қылға айтпанды, мұхтарым Ҳамид Зиёев бу китобдан ўз олдиларига қўйган мақсад: “Китобхонлар умумий қаноат ҳосил этиши”дан кўра, кўпроқ натижага эришгандар, десам хато бўлмайди. Уни ўқиган ҳар бир одам ўзи учун кўплаб янгиликлар топади, энг муҳими, сабоқ олади. Яшириб нима қилдик, аждодларимизга хос қусурлар ўзимизда ҳам бор. Улардан азият чекаётганлигимиз ҳақида чукун ўйлаб кўралиган вакт келди.



хил китобларни чоп этиш бал-
ки кимларгадир фойда келти-
раётгандир. Лекин, улар қан-
чалик катта маблағ звазига
босиб чиқарилса-да, мазмунан
саёз экан, юксак дидли китоб-
хонларнинг асабига тегиши
шубҳасиз.

Бу кун кўпгина қишлоқ кутубхонасига борманг, ёпиқ. Эшигига катта қулф осиглий бундай кутубхоналарнинг ишламаёттанига кутубхоначи айбдор эмас. Чунки, унгаям соғлиқ керак. Девори дарз кетган ёки томидан чакка ўтадиган муздек хонада ўтириб ишлаш кутубхоначига жуда қимматга тушиши мумкин. Янги жамият қуриш кишиларимиздан маънавий баркамо бўлмоқликини талаб этади. Шундай экан, ёшларни китоб мустолаасига жалб этиш, бу учун эса қишлоқлардаги кутубхоналар ахволи ҳақида чукурроң ўйлаб кўриш вақти ётмадимикин?

Гулчехра ЖАМИЛОВА

БОГОТА. Колумбия журналистлар энг күп күрбон бўлаётган мамлакатдир. Бу ҳақда Халқаро матбуот институти тарқаттан мазрузада маълум қилинди. Унда айтилишича, ўтган йили Колумбияда 10 нафар журналист иш пайтида ҳалок бўлган. Шунингдек, бу ерда наркомафия ва улошган жиной гурӯҳ жангарилини журналистларга доимий равишда таҳдид солиб келаётir. Ўтган йили ҳалок бўлган журналистларнинг аксариини ҳам наркомафия ва куролли гурухлар фаолиятини фош килувчи мақолалар эълон қилган ҳамда ҳокимиятнинг юқори погонасида коррупция билан боғлиқ текширувлар ўтказганлар ташкил қиласди.

Маърузада айтилишича, рўйхатнинг Колумбиядан кейинги погонасини Россия эгаллаган. У ерда ўтган йили беш журналист ҳалок бўлган.

БУЭНОС-АЙРЕС. Парагвай президенти Раул Кубас мамлакат парлamenti ва олий суди армия ёрдамида тарқатилиши ҳақидаги хабарни қатъянн радиэтди. Яқинда мамлакат радиостанцияларидан бирин президент Р.Кубас парламент ҳамда олий суд билан ўзи ўртасида юзага келган келишмовчиликнинг куч ишлатиш йўли билан ҳал этмоқчи, деб хабар тарқаттан эди.

Маълумки, Р.Кубас мамлакат армияси сабиқ бош қўмандони Лино Оведони қамоқдан озод қилиш ҳақида фармон чиқарганди. Олий суд бу фармонни конституцияга зид, деб топган ва натижада иккى ўртада келишмовчилик келиб чиққанди. Бу воқеадан сўнг парламентдаги муҳофиз депутатлар президента нигматини импичмент эълон қилиш пайига ўшиди, деб хабар қиласди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

ВАШИНГТОН. АҚПН маъмурити Косовога мустақиллик берилини тарафдори эмас. Бу ҳақда Вашингтондаги халқаро журналистлар клуби йигилишида сўзга чиқкан АҚПН давлат котибининг биринчи ўринбосари Строб Тэлботт мълум қилди.

Унинг айтилишича, Европада хавфисизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки йигилишининг якунловчи актида ҳамда

БМТ ҳужжатларида чегараларни куч билан ўзгартишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Агар Косовода референдум ўтказиш тўғрисидаги масала қўтариладиган бўлса, у ҳолда бу анча кейинроқ содир бўлмоги лозим. Юgosлавиянинг парчаланиши НАТО ўтказишни мўлжаллаёттан ҳарбий операциянинг асосий мақсади эмас. НАТО Косовонинг Юgoslavия таркибидан ажralib чиқши учун куч ишлатмайди, деди у.

МАДРИД. Басклар юрти парламентнинг курдларга Виторияда ўз ассамблейини ўтказишига рухсат берини Испания-Туркия муносабатларига жиддий салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Испания мудофаа вазири Эдуардо Серра шундай фикр билдири.

Маълумки, яқинда Басклар юрти қонун чиқарувчи органи курдларнинг мухторият пойтахти Виторияда анжуман ўтказиш тўғрисидаги илтимосини қондириш ҳақида резолюция қабул қилган эди.

ПРАГА. Ироқ ҳукумати Чехия оммавий ахборот воситаларининг Прагадаги «Озодлик» радиостанциясига нисбатан Ироқ маъсус хизмати томонидан кўпурувчилик ҳаракати тайёрлангани тўғрисидаги хабарни расман рад этиди. Шу муносабат билан Ироқнинг Чехиядаги элчихонаси томонидан тарқатилган баёнотда айтилишича, Ироқ маъсус хизматининг террорчилик фаолиятига умуман алоқаси йўқ ва у ҳеч қандай кўпурувчилик ҳаракати содир этишини режалаштирамайти.

Ироқ томонидан «Озодлик»ка нисбатан кўпурувчилик ҳаракати тайёрлангани тўғрисидаги шов-шув Багдод маъсус хизматининг Марказий Европадаги резиденти Жабир Салим Буюк Британиянинг «Ми-6» маъсус хизматига шу ҳақида маълумотни ётказандан сўнг келиб чиқкан эди. Бу мать-

умотни «Ми-6» Чехия маъсус хизматига ётказанди.

ПЕКИН. Макао 1999 йил 20 декабрь куни ярим тундан сўнг Хитойнинг тўла тасаруфига ўтади. Ўзаро алоқалар бўйича Хитой-Португалия қўшма гурухи шу ҳақда битимга эриши.

Макао 400 йилдан ортиқ вақт давомида Португалия қарамоғида бўлиб келган. 1987 йил апрелда эса Макаонинг /Аомин/ Хитойга қайтарилиши тўғрисида Португалия ва Хитой ўртасида қўшма декларация имзоланган эди.

Макао Хитой тасаруфига ўтгандан сўнг маъсус маъмурий туман мақомини олади.

КОБУЛ. «Толибон» ҳаракати раҳбарияти саудиялик мултимилионер Усама ибн Лодиннинг хориждаги тарафдорлар билан алоқа ўрнатишини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Толиблар назоратидан бўлган оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, бундан бўйи ибн Лодиннинг халқаро телефон алоқасидан, шунингдек, Афғонистон ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги террорчилар билан боғланиши учун радиокурилмалардан фойдаланиши таъқиёнанади. Ибн Лодиннинг фолиантини чеклашни назорат қилиш ислом милицияси ва толиблар маъмурити вакилларидан иборат маъсус гурухга топширилди.

СИДНЕЙ. Австралия ҳукумати Индонезиянинг Шарқий Тиморга мустақиллик берини мумкинligига шубҳа қилмайди. Бироқ унинг Индонезия таркибида мухторият мақоми олишини мъяқул кўради. Бу ҳақда Австралия ташкил вазири Алан Дайнер айтди. А.Дайнернинг сўзларига қараганда, Шарқий Тимор мухторият ёки мустақил давлат мақомига эга бўлиши учун музоказа-

ралар йўлининг танланиши можаронинг ҳал қилинишига асосий калитдир.

ТЕЛАВИ. Германия ташкиллар вазири Йошка Фишер Ироил-Европа Иттифоқи муносабатларida вужудга келган муаммолар борасида музокарапар ўтказиш учун бу ерга келди.

Маълумки, ўтган ойда Европа Иттифоқи Ироилни Уай-плантеини битимиш шартларини бажармаётганликда айблаған эди. Бундан ташқари, ЕИ шу сабаб билан Ироилнинг ривожланиши ва тадқиқотлар бўйича Европа лойиҳаларидаги, иштирокини тұхтатиб кўйғанди. Бу эса иккى ўртада қатор келинимовчиликларни келтириб чиқарди.

Й.Фишер Ироил президенти Эзер Вейцман ва Бош вазир Бинямин Нетанаху билан учрашиди.

ДЕХЛИ. Ҳиндистон ҳукумати Покистон билан ядро куролини биринчи бўлиб қўлламаслик ва Кащмир муаммосини барқарорлаштириш борасида музокарапар ўтказишига тайёр. Ҳиндистон Бош вазири А.Важпай шундай деди.

Атал Бихари Важпай шу ойда Покистонда Бош вазир Навоз Шариф билан бўлиб ўтадиган норасмий учрашив чоғида юқоридаги масалани мухокама қилиш нияти борлигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Покистонга бўлажак сафар иккى мамлакатнинг бир-бира гиша ончани мустаҳкамлайди.

ТОКИО. Бу ерда очилган «Ўн учлар турху» йигилишида Ҳиндистон ва Покистоннинг ядро қуори ишлаб чиқаргани муносабати билан жаҳон ҳамжамиятининг уларга нисбатан истиқболда қандай йўл тутиши масаласи мухокама қилимокда. Унда «катта саккизлик» мамлакатлари, шунингдек, Австралия, Аргентина, Бразилия, Украина ва Жанубий Корея ташкил вазириларни вакилларни иштирок этмоғди.

Хабарларга қараганда, йигилишида Дехли ва Исломободга нисбатан кўлланилаётган савдо-иктисодий жазо чораларини юмшатиши масаласи ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

ЎЗА

(Аввали ўтган сонларда. Давоми)

БЕШИНЧИ БОБ

Сурайёнинг амакиваччаси, машҳур ҳоғиз Мумтоз бир вақтлар Оқсанойнинг обрў-эътиборли оқсоқоли Қосим чармгарнинг кексайлан чогида худодан тилаб олган якка-ёлгиз ўғли эди. Ота-она дунёдан орзу-ҳавас кўрмай кўз юмиб кетишиди. Шундан кейин ҳали ўсмир ёшидаги Мумтоз бу ерда кўп туролмади. Ўқиш баҳонасида уй-жойларни гаровга қўйиб Оқсанойдан чиқиб кетганича, она қишлоғига бошқа қайтиб келмади. Фақат узункулоқ гаплар орқали қўшни шаҳарлик бир давлатманд киши уни ўз ҳимоясига олгани ва болаликданоқ санъатта, қўшиқ айтишга иштиёқманд Мумтозни ўқитиб тарбиялаётгани ҳақидаги хабарлар келиб турарди холос.

Орадан кўп вақт ўтмай, ана шу йигит ҳамма ёқса кимсан — номи чиққан машҳур Мумтоз ҳоғиз бўлиб кетди. Оқсанойликлар энди у билан фархланадиган бўлишиди. Мумтознинг шу ерлик уч-тўртта болалик жўралари уни ҳатто Оқсанойга “алдаб-сулдаб” олиб келиб, қишлоқдан уйлантириш ҳаракатида ҳам бўлишиди. Лекин бунинг иложини қилишомлами. Мумтозни тарбиялаёт ӯстирган ўша давлатманд киши уни ўзининг қизига ичкуёв қилиб олди.

Бир кун келиб сира кутилмаган яна бир гап чиқиб қолди. Мумтоз билан борди-келдиси бор, унинг гурухидаги ҷалғушилик қилювчи оқсанойлик бир-иккита созанда йигитларнинг уйларидан чиққан мишишлар... Мумтоз ўз оиласидан ажralib, ҳозир Тошкентда ўзидан анчагина ёш, багоят гўзлар билан яшайтани, яқин орада у Оқсанойда ана шу қизга аtab бир қаср курмоқчи эканлиги тўғрисида борарди.

Бу мишишлар тез орада ўз тасдигини топди. Кейинги пайтлар ўзини ишларни монлик, тижорат ишларига уриб, саҳна

ва сайлларда, тўйларда камдан-кам кўринадиган бўлиб қолган Мумтоз ниҳоят ўз она қишлоғига қайтиди. Лекин бу ерга у ҳоғиз Мумтоз сифатида эмас, балки ишбилиларни монлик, келиб кетишида ҳам бўлиб кетишиди.

Мумтоз бу ерда ишни энг аввало оқсанойлик ҳунармандларни қовуштиришдан бошлади. Улар учун тез орада ўз ҳисобидан бир неча ишлаб чиқариш цехларига эга бўлган фабрика қуриб берди. Ҳунармандлар энди Мумтоз етказиб беряётган хомашёлар ҳисобига ана шу корхонада ишлайдиган ва билан ҳар ой мўтадил даромад топадиган бўлишиди. Албатта, фабрика маҳсулотлари билан шаҳарда сав-

до қилаётган нуктадардан сувдай оқиб кетаётган даромаднинг асосий қисми, бусиз ҳам бошқа жойлардаги тижорат ва восита-чилик ишларидан тез бойиб бораётган Мумтознинг давлатига келиб қўшиларди.

Ана шу ишлар қаторида у маҳаллий ҳокимият билан келишиб, ўша, бир вақтлар Оқсаной истеҳкоми жойлашган бўш майдонни сотиб олди ва бу ерга гойибдан учиб келган баҳт қуши Тахминага атаб ҳашаматли билан қуришиб кетди. Ўнлаб ишчилар ва усталарнинг, кўплаб оқсанойликларнинг кечаю-кундуз тиним билмай ишлашлари натижасида тез орада яна Оқсаной деб атальмиш оппоқ билан қаср қад ростлади. Бироқ Оқсаной қуриб битказилган бўлса-да, ‘сарой ма-ликаси’ бу ерга кўчиб ўтишига шошилганича ишни айтди. Азим бинонинг кўпдан-кўп ҳоналари ҳали бўм-бўш. Улар учун керак-

ли жиҳозлар, айниқса мебель гарнитурларини танлаб ултургандарича ишни атади. Бу маъсала шунингдек, эронлик Кутбиддин жаҳнобларининг навбатдаги автокарвони қачон кириб келишига боғлиқ бўлиб туриби.

Шуларга қарамай, Оқсанойнинг биринчи қаватидаги меҳмонхона, иккита оромхона, бассейнхона ва бошқа кўнгилхушилклар учун мўлжалланган яна уч-тўртта катта-кичик ҳоналар жиҳозлаб қўйилган. Тахмина бу ерга камдан-кам ҳоллардагина келади, кўпинча Мумтознинг ўзи шу ерда қолиб яқин-яқин дўстлари билан ‘‘гап-гаштак’’ ўтказиб туради...

Оқсанойнинг пульт билан очи-ладиган баҳайбат чўян дарвозасидан кираверишда ўнг томондай, чап томондай алоҳида ҳужралар бўлиб, Сурайё ана шу ҳужралардан бирида яшарди.

Мана, иккى йилдирки, Сурайё бедаво

бир дард азобини тортиб кетади. Аҳён-аҳёнда, ойда бир-иккى марта нимадир унинг бўғзидан қаттиқ тутиб қолади, нағас ийўни батамом тўсиб, бор вужудини жон талвасасига солади. Ажал қалхати уни ўлдириб ё үлдирмайди, қўйвориб ё қўйвормайди.

Уқубатли ёлғизликнинг зимистон чи-

лассидек изгирили, изтиробли оғриги суюк-суюклигача зирқратиб, жонни суғуриб олар даражада аччиқ-аламли,

пойнисиз тунларida унинг кўз олдидаги кўпроқ якка-ю ёлгиз нури дийдаси --

Акмал пайдо бўлади. Қани энди у кела қолса-ю, ўтган ишларга саловат дея, ожиз

ва хаста онасини бағрига олса. Шундай пайтлар у ўз-ўзича тўлиқиб йиглайди, ўзининг бу дунёдан бошқа одамлар қатори орзу-ҳавас кўрмай ўтиб кетаётганидан беҳад ўксинади.

Сурайё Тахминани Тошкентга олиб келиб, Мумтозга қўш кўллаб топширган кунлари ёқ, у шаҳарнинг бир бурчагидан иккита хонали квартирага эга бўлган. Бироқ касалликка чалингандан бери Сурайё у ерда яшамайди, бетон уйнинг ҳавосидан касали хуруж қиладиган бўлиб қолган. Ана шу хонадонда унинг ҳам ўзига яршиша ташвишлари бор. Ёлгиз

«Дэвис кубоги» турнири ~ Тошкентда

«Дэвис кубоги»нинг юз йиллиги нишонланадиган жорий йилда ўзбекистонлик теннисчилар шу нуфузли халқаро турнир доирасида 12 февралдан 14 февралга қадар Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортларида Покистондан келган катта ракетка усталари билан қуч синашадилар.

Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида бу мусобақада Ўзбекистондан Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко ва Темур Фаниев /команда капитани/ дан иборат команда иштирок этиши мавзум қилинди.

Покистон командаси Азим Шафиқ, Оқил Хон, Айсам ул Ҳақ Куреший ва Мұхаммад Холиқдан иборат.

Дастлабки мусобақада Олег Огородов Мұхаммад Холиқ билан куч синашади.

УЗА

ТЕЛЕВИЗОР ҚЎРАДИГАН КОПЛОН

Ҳиндишондаги Панчукла шахрида гаройиб воеқа содир бўлди. Уй бекаси эрталаб оиҳонада куйманиб юрганида ётоқхонага.. қоплон кириб қолди. Оиланинг тўрт ёшли кичкин тои буни кўриб, ойисининг олдига суюнчи сўраб кирди. Она аввалига боласи ҳазиллашти, деб ўлади. Кейин дарҳол эсини йигиб, эшикни ташқаридан ёпиб, ёрдам сўрагани кетди. Мутахассислар қоплондан қандай кутулини йўлни излаб 4 соат кенгашиниди.

Қоплон бу пайтда зерикаб қолмади. Ҳонани айланаб, ўйинчокларни тишлаб, тортқилаб кўриб. Кейин тушакка ётвониб, ёниқ қолган телевизорни томонга қилди. Бир соатлардан сўнг, мук тушиб уйқуга кетди. Бундан фойдаланган одамлар жунглилар “мехмон”ни бойлаб, ҳар эҳтимолга қарши уни ухлатадиган укол билан “сийлаши”.



ТИНЧИМАГАН ҚУЛОҚТИШЛАР ТАЙСОН

Бокс бўйича дунёнинг мутлақ чемпиони Майк Тайсон яқинда Американинг Монтгомери графлиги худудида хотини Моника ва тан соқиси билан биргаликлар манинасида кетаётган эди. Кўча тасодифи оқибатида утга машина бир-бираға келиб урилди. Боксчанинг улови сал майиб бўлди, холос. Аммо жаҳлдор Тайсон унга урилган бошқа машина әгалари -- 62 ёшли шиғорони нокаут қилини ва 50 ёшли юристни боплаб тенди.

Суд бу масалани кўриб чиқиб, уни ҳар бир жинойи ҳаракати бўйича икки йилдан қамок жасосига хукм қилди. Суднинг бу қарори Майкнинг спортиви сифатидаги кейинги ҳаётини остин-устун қилиб юборса кепак.

Муштарийлар ёдда бўлса керак, М.Тайсон илгари бир аёнинг номусига теккани учун 6 йилга қамалган, 1997 йилда эса рақибининг қулоғини тишлаб узиб олиб, 16 ойга рингдан бадарга этилган эди. Уч ҳафта олдин боксга қайтиб, Франсуа Боту исмли спортчани нокаут қилган эди.

ПЛАСТМАССА ИДИШНИНГ “ХОСИЯТЛАРИ”

Америкалик химик олимлар пластикадан тайёрланган идишларда акрилонитрит мавжуд эканлигини аниқлашди. У ҳам худди цианид каби инсон саломатлигига ноҳуш таъсир этаркан. Олимларнинг фикрича, агарда пластмасса идишдан минг марта фойдалансангиз, у ҳаётингизни икки минутта қисқартиради.

Мабодо бирор сабаб билан шундай идишдан фойдаланишига тўғри келса, у ҳолда уни фақат бир мартагина ишлатинг. Бўшаб қолган буюмингизга бошқа суюқлик куя кўрманг. Пластмасса идишларга иссиқ модда қўйсангиз, заҳарли нитрил ажратилишини янада тезлаштиради.

Айниқса бундай идишлардаги сут маҳсулотлари тезда айнийди.

ЮДУЗЛАР САМОДАН СҮЗЛАЙДИ

(15 февралдан —
21 февралгача)

ҲАМАЛ. Душанбада қўнгироқ қилишади. Сесанба куни ҳамёнингиз тўлади. Чоршанбада мухим янгиликдан воқиф бўласиз. Пайшанбада ишлар ўнгидан келади. Жумада атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлинг. Шанба кайфиятингизни тушириши мумкин. Якшанбада нима бўлганда ҳам аъло дам оласиз.

САВР. Ҳафта боши кутилмаган қувончлар билан бошланади. Сесанбада кўнгилли ҳарид қиласиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари оилавий келишмовчиликлар юз беради. Жумада эса кўпдан кутган одамингиз билан учрашасиз. Шанба ва якшанба кўнгилдагидек ўтади.

ЖАВЗО. Сизни душанба куни қўнгироқ орқали сўроқловчилар кўпайди. Сесанбада кайфиятингиз “нол”. Чоршанбада эса қаттиқ қувонасиз. Пайшанбада соғлиғингизни асрарнг. Жумада ҳамёнингиз тўлади. Шанба ва якшанба истаганингиздек келади.

КИМ ҚАЧОН ЎҚИЙДИ?

Мен касбим тақозоси ва қизиқишим туфайли кўп ўқийман. Ўқиганларим ҳақида кўпчилик билан сұхбатлашишга тўғри келади. Ана шундай пайтларда қизик ва ҳатто кулгили гапларни эшитишга тўғри келади. “Китоб севувчи”ларни ҳам тоифага ажратиш мумкин экан.

1. Китоб сарлавҳасига қараб ўқийдиганлар.
2. Фақат сұхбатлар берилган жойларни ўқийдиганлар.

3. Интим воқеалар акс этирилган жумлаларни ўқийдиганлар.

4. Асарнинг фақат охирини ўқийдиганлар.

5. Бекорчи вақтни ўтказиш учун пала-партиш ўқийдиганлар.

6. Ўйқусини топиб олиш учун ўқийдиганлар.

7. Транспортда бирорга жой бермаслик учун ўқийдиганлар.

8. Китоб жавонини тўлдириб қўйиб, умуман ўқимайдиганлар.

9. Тушунуб, саралаб, рисоладагидек ўқийдиганлар, яъни мутолаа қиласиданлар.

Охиргиси — унинг нархини ва сифатини суринтириб ўқийдиганлар тоғасига ажратиш мумкин.

Карима АШУРОВА

ДИАНА АТРОФИДАГИ ШОВ-ШУВЛАР

Малика Диана бу дунёни тарк этганига бир йилдан кўп вақт ўтди-ю, аммо унинг арвоҳи тинчимаётган бўлса керак. Сабаби яқиндагина шаҳзода Чарльз таваллудига 50 йил тўлганини катта таштапалалар билан нишонлаган кунларда, оммавий ахборот воситаларида собиқ рафиқаси шаънгиз испод келтирадиган ҳар хил бўхтонлар босилди. Диананинг онаси Фрэнсис бунга чидай олмай, ўрта Ер денгизи худудидаги оромгоҳлардан бирига бош олиб кетди. Аммо унинг юрганинг ўртаётган бир алам -- қизининг котилларидан ўчи олиш кекса аёлга тинчлик бермаёттир. Фрэнсиснинг Диананинг ўлимига Доддининг отаси Мұхаммад ал-Файёз сабабидир. У Европадаги энг ишрик савдо дўконлари мажмуасининг соҳиби бўлган бу шахс ёллаган сураткаш журналистлар касрига малика Диана ҳалокатга учраган, деган фикрда.

Маликанинг онаси аслида ким эди? Фрэнсис Шан-Кидд бадавлат граф Спенсерга турмушга чиқиб, бир неча йиллар яшаганидан кейин бирорвон ёқтириб қолиб эри-ю фарзандларни ташлаб (ӯшанди Диана олти ёнда бўлган) кетган. Диана онасининг бағри тошлигини узоқ йиллар кечира олмаган. Кейинчалик ёлғиз қолгач иччиликка берилаб кетган. Маликанинг уршишилари билан узурга ҳаётга қайтган эди...

Доддининг отаси миллионер Мұхаммад ал-Файёз эса ўзининг ўлимига қироллик айбор, деб улардан қасос олиш ўйларини қидирмоқда.

САРАТОН. Душанба ва шанба кўнгилли ўтади. Сесанбада соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Чоршанбадан қўнгироқ кутинг. Пайшанбада атрофдаги воқеаларга бефарқ қаранг, шунда жумада ўз соғлиғингизни асрарнг бўласиз. Якшанбада дам олиш учун кулагай.

АСАД. Душанбада ишхонадагилар билан муносабатларингиз бироз ёмонлашиши мумкин. Сесанбада сизни сўроқлашади. Чоршанбада кўпам асабийлашманг. Пайшанбада қувончли дақиқалар юз беради. Шанба ва якшанбада яхши дам олини учун ўзингизга шароит яратинг.

СУНБУЛА. Душанба хайрли кун. Сесанбада ишларингиз юришмайди. Чоршанбада яқин одамингизни кутинг. Пайшанба ҳарид учун баракали. Жумада асабларингиз толиқади. Шанбада сирли учрашув. Якшанба қувончли дақиқаларга бой бўлади.

МЕЗОН. Ҳафта бошида кайфиятингиз учалик яхши эмас. Сесанбада эса қувонасиз. Чоршанбада зиддиятлардан нари юринг. Пайшанбада ҳамкорлар учрашув. Жумада маони оласиз. Якшанбада яқин одамингизни кутинг.

АҚРАБ. Душанба ва сесанбада ҳаётингиздаги унтутилмас учрашувлар юз беради. Чоршанбада ҳамкорлар билан алоқангиз яхшиланади. Пайшанбада хавфли вазият. Жумада ишлар ўнгидан келади. Шанба ва якшанба ҳамён учун баракали кунлар.

ҚАБС. Сесанбада ҳамёнингиз тўлади. Асаблар тарангларни соғлиқ учун зарарли эканлигини чоршанба ва жума кунлари ёддан чиқарманг. Пайшанбада сирли учрашув. Шанбада ҳаммаси о‘кеяй. Дам олиш куни -- дам олинг.

ЖАДЬЙ. Душанбада яқиннингиз билан дийдорлашасиз. Сесанбада кайфиятингиз учалик яхши эмас. Чоршанбада юришмайдан ишларингиз ўнгидан келади. Пайшанбада куни бой бўласиз. Жума куттаганингиздек келмасада, шанба ва якшанба кунлари ҳаммаси сиз ўйлагандек бўлади.

ДАЛВ. Душанбада атрофдагилар билан хушумомала бўлинг. Сесанбадан қўнгироқ кутинг. Чоршанба куни ҳамёнингиз тўлади. Пайшанба ва жумада сиз куттав учрашувлар. Шанбада спорт билан шугуллананингиз маъқул. Якшанбада ўзингизни касал эмасман деб ишонтиринг.

ХУТ. Ҳафта боши кўнгилдагидек келади. Сесанбада дам олиш учун қулагай фурсат. Чоршанбадаги кўнгилли ҳариддан қувонасиз. Пайшанбадан қўнгироқ кутинг. Жума омади кун. Шанбада асабийлашманг. Якшанбада хафа бўласиз.

“Туркистон”нинг 30 январь сонида ўзлон қилинган бошқотирма жавоблари.

ЭНИГА: 1. Дифтонг. 4. Жомакор. 8. Дом. 9. Жом. 10. Битик. 12. Камон. 13. Қозон. 15. Коника. 17. Глобус. 19. Залилий. 22. Зардоб. 23. Зармас. 25. Афина. 26. Резус. 27. Печак. 28. Дук. 31. Қон. 33. Қатъият. 34. Диаскоп.

БЎЙИГА: 2. Иход. 3. Ганг. 4. Жўша. 5. Олим. 6. Жонибек. 7. Жолинус. 11. Коко. 12. Кола. 14. Зармитони. 16. Нобакор. 18. Бакабум. 20. Форс. 21. Залп. 22. Зардўшт. 24. Сакажиа. 18. Дина. 29. Курт. 30. Қанд. 32. Наво.

Ўзбек-Америка маданият корпорацияси тугатилади. Даъвалар ўзлон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

* * *


25 рақамли 0084911-912 серияли сурурта варажаси ўққолганилиги муносабати билан эътибордан соқит қилинади.

Юнусобод тумани, «Кафолат» филиали.

Муассис:
УЗБЕКИСТОН ЎШПАРИНИНГ
«КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА

Буюртма Г. — 097.
Рўйхатдан ўтни тартиби № 00012



ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Кибулхона — 136-56-54
Хатлар бўлими — 133-79-69



МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кучаси, 32-йд
Таҳририятга юборинган материаллар кайтарилмайди.
Муаллифлар фикрларни кутияниларни
фарқланниш мумкин.